

СУҒДИЙ ЁЗУВ ЧИЗМА ШАКЛЛАРИ АРХЕОГРАММАТОЛОГИЯСИ

Мазкур монография жаҳоннинг қадим цивилизация марказларидан бири ҳисобланган Суғд тарихи ва суғдий ёзув чизма шакллари грамматологияси масалаларига бағишланади. Тадқиқотда финикия ва орамий ёзувнинг шаклланиши ва орамий ёзувнинг мил. авв. II асрда ўз ўрнини суғдий ёзувга бўшатиб берганлиги билан боғлиқ муаллифларнинг қарашлари манбалар асосида кўрсатиб берилган. Шунингдек, суғдий ҳарфлари улар акс этган манбалардаги шакли замонавий компьютер дастурлари асосида аниқ чизиб кўрсатилганлиги ҳамда манбаларнинг кўрсатилгани билан тадқиқот суғдийшуносликка оид бошқа ишлардан анчайин фарқланади. Ҳар бир ҳарфнинг финикия, орамий, паҳлавий ва суғдий шакллари солиштирган ҳолда ўрганилган. Шунингдек, ҳарфларнинг шакллари қадим суғдий ҳарфлар билан шаклан қиёсланган ва уларнинг хусусиятлари таҳлил қилинган. Бундан ташқари, монографиянинг қисқача баёни ҳам инглиз тилида келтирилган. Тадқиқот тарихчилар, ахеологлар, этнологлар, тилшунослар ва Ватан тарихи билан қизиққан кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

Мирсодиқ Исҳоқов – тарих фанлари доктори, профессор.
Тошкент давлат шарқшунослик университети профессори

Бобир Ғойибов – тарих фанлари доктори, профессор.
Самарқанд давлат университети “Ўзбекистон тарихи”
кафедраси профессори



Globe
EDIT

Globe
EDIT



Мирсодиқ Исҳоқов · Бобир Ғойибов

СУҒДИЙ ЁЗУВ ЧИЗМА ШАКЛЛАРИ АРХЕОГРАММАТОЛОГИЯСИ

Мирсодиқ Исҳоқов
Бобир Ғойибов

СУҒДИЙ ЁЗУВ ЧИЗМА ШАКЛЛАРИ АРХЕОГРАММАТОЛОГИЯСИ

FOR AUTHOR USE ONLY

FOR AUTHOR USE ONLY

Мирсодиқ Исҳоқов
Бобир Ғойибов

СУҒДИЙ ЁЗУВ ЧИЗМА
ШАКЛЛАРИ
АРХЕОГРАММАТОЛОГИЯСИ

FOR AUTHOR USE ONLY

Imprint

Any brand names and product names mentioned in this book are subject to trademark, brand or patent protection and are trademarks or registered trademarks of their respective holders. The use of brand names, product names, common names, trade names, product descriptions etc. even without a particular marking in this work is in no way to be construed to mean that such names may be regarded as unrestricted in respect of trademark and brand protection legislation and could thus be used by anyone.

Cover image: www.ingimage.com

Publisher:

GlobeEdit

is a trademark of

Dodo Books Indian Ocean Ltd. and OmniScriptum S.R.L publishing group

120 High Road, East Finchley, London, N2 9ED, United Kingdom

Str. Armeneasca 28/1, office 1, Chisinau MD-2012, Republic of Moldova, Europe

Printed at: see last page

ISBN: 978-620-6-79534-6

Copyright © Мирсодиқ Исҳоқов, Бобир Ғойибов

Copyright © 2023 Dodo Books Indian Ocean Ltd. and OmniScriptum S.R.L publishing group

FOR AUTHOR USE ONLY

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	2
Финикия ёзуви – инсоният тарихидаги илк ҳарф- товуш консонант алифбелари (АБИГИДИ) ёзуви	11
Орамий ёзуви – финикия ёзувининг давомчиси	15
Сугдий ёзуви – орамий ёзувнинг янги авлоди	21
Сугдий ёзувда унификацияга интилиш	69
Хулоса	74
Summary	79
Шартли қисқартмалар	91
Илова	92
Фойдаланилган манба ва адабиётлар	99

Сўзбоши

Ёзув инсоният тафаккурининг буюк кашфиёти сифатида цивилизацион жараёнларнинг минг йилларга татигувлик йўлини белгилаб берган. Аввало, ёзув инсон фикрини, қолаверса, ўзининг нутқини тасвир ёки чизма шаклларда акс эттириш, фикрий ва нутқий ахборотни масофа ва замон оша узатиш ва сақлаш имконини берди. Бу ўз навбатида инсон учун ўз дунёсини, ўзлигини намоён қилиш ва маънавий такомилнинг чегарасизлиги каби ҳақиқат кўзини очиб берган эди. Шу билан бирга ёзув инсон учун ўз фикру зикрини, ички дунёсини, атрофидаги воқеа-ҳодисалар ҳақида маълумотларни шартли белгилар воситасида ифодалашдек ёзма нутқ маданияти, тил имкониятларининг меъёрлашуви учун мисли кўрилмаган имконият майдонини вужудга келтирди.

Ёзувнинг ҳозирги ҳарф-товуш алифбели, чизма белгилари тизимлари шакллангунига қадар жаҳон миқёсида инсоният узоқ машаққатли изланишлар даврларини бошдан кечирган. Бу даврлардаги ахборот имкониятларини асосан икки воситада кўриш мумкин. Бири ашёлар, иккинчиси чизма, ўйма, ранг-бўёқ воситаларидаги шартли тасвирлардир. Ашёвий даврни ёзув деб аташ қийин. Лекин ашё шартли белги, эслатувчи восита сифатида ахборот узатиш ва қабул қилиш оралиғида хизмат қилган. Белги-тасвир воситалари эса нисбатан олға қўйилган улкан қадам эди. Бироқ тасвирларни исталган тилда шарҳлаш мумкин ва улар бирор тилга боғлиқ ҳодиса эмас. Инсоният ўз нутқининг моҳиятини англаб етган даврлардан бошлаб айрим нутқ товушларининг турли-туман хоссаларини фарқлашга ҳаракат қилган. Натижада сўз таркиби товуш бирликларининг хилма-хил комбинацияларидан иборат

эканлиги аён бўла борган. Зеро, айрим товуш бирлиги сўз маъносини ўзгартириши билан инсонда илк фонологик тажриба, эмперик тасаввур шаклланган. Бу эса дастлаб “сўз белги”, сўз таркибидаги бўғин бирлигини, ниҳоят айрим товушни англашга олиб келган. Айрим товушлар мустақил ҳолда мавжудлигини билиш эса ўша товуш учун шартли белги зарур эканини англаган.

Айни шу эҳтиёж инсониятни нутқ жараёнида амал қилган товушлар йиғиндисини ҳисоблашга ундаган. Ниҳоят, одамлар ўз тилларида амал қилган товушларнинг барчасига мос келадиган ва миқдори жиҳатидан тилдаги барча товушлар миқдорига тенг шартли белгилар яратишга киришганлар. Булар бугунги ҳарфлар демакдир. Ҳарфлар эса ҳар қандай ёзувнинг шартли асосидир. Ёзувга айланиши учун ҳарфлар ўзи иштирок этган барча сўзлар учун муштарак функцияга эгаллиги билан ва, энг муҳими, муайян жамият аъзолари учун бир хилда тушунарли экани билан муҳимдир.

Чизма шартли белгиларнинг ёзувга айланишининг бош омили белги-тасвир бирликларининг ёзувда чексиз такрорланувчан ҳолда амал қилишидир. Бу эса чекланган миқдордаги белгилар орқали ҳажман катта ахборотни ёзма равишда узатиш ёки сақлаш имконидир. Тилнинг сон-саноксиз лексик бирликлари ва улардан фойдаланиб тузилган матнларда ўн беш, йигирмадан бошлаб эллик ва ундан ортиқ шартли белги, яъни, ҳарф ишлатилиши инсонда нутқ бирликларини англаш, уларни ёзувда акс эттиришдек буюк саводхонлик малакасини вужудга келтирди.

Ёзувнинг товуш-ҳарф (ёки ҳарф-товуш) мослигига эришиш ва буни муайян жамиятда ҳамма учун бирдек тушунарли воситага айлантириш мураккаб ва машаққатли

изланишлар жараёни эди. Масалан, Миср иероглифларидаги рамзий тасвирлар кетидан детерминаторлар (грамматик маъно айиргичлари, иероглифларнинг нутқ жараёни билан боғловчи аниқлагич)лар деб аталувчи қўшимча белгилар ишлатилиши сўзларни товуш орқали ўқиш, улар ўртасидаги грамматик боғланишларни тушуниш сари улкан кадам бўлган. Худди шу каби иероглифлардан бошланган хитой ёзуви ҳануз сўз-белги асосини сақлаб келмоқда. Бунинг сабаби хитой тилиниг аморф хусусиятидир. Ҳар бир белги бир сўз бирлигини англатиб, унинг маъноси сўзнинг талаффузидаги оҳанг товланишлари, товуш баланд пастлиги сингари нутқий вазиятдан англашилади.

Тил ҳодисасидек буюк неъматнинг ибтидосида одамзоднинг жамоалари “бизлар ва бизлар эмас”лар тарзида ҳар бир жамоа ўз доирасида маълум тил тизимини шакллантира борган. Бегоналар тили “БИЗ”лар учун бегона. “Бегоналар” тили ўзлари учун “она тили”. Лекин жамиятдаги демографик ўсиш, кўпайиш, бўлинишлар бир жамоа тилининг турли шева, лаҳжаларини юзага келтира борган. Кейинчалик бу ҳодиса аслида бир илдиздан тарқалиб, қариндош тиллар оиласини ташкил қилган. Масалан, Олтой тиллари оиласи, унинг улкан тармоғи туркий тиллар, Европада роман тиллари оиласи, герман тиллари шартли равишда қачонлардир ҳинд-европа тил бирлигидан ажралиб чиққан, Олд Осиё ва Африканинг шимолида шомий тиллар оиласини мисол қилиш мумкин.

Мил. авв. II минг йиллик ўрталарида ҳинд-европа тиллари деб аталувчи лингвобирликдан ҳиндуарий тил умумийлигига эга қабилалар ажралиб чиққан. Кейинчалик бу қабилаларда ҳам навбатдаги бўлиниш рўй берган. Натижада бир тармоқ ўзини “арянаму”, яъни “арий деб номланувчилар”, ҳозирги Эрон ҳудудларига келиб

жойлашган. Иккинчиси эса “арьялар” номи билан Ҳиндистон ярим оролининг шимоли томон миграция қилганлар ва кейинчалик пашту, ҳинд, ўрду сингари халқларнинг аждодлари бўлиб қолганлар. Бу тафсилот схематик содда тарзда берилмоқдаки, бундан мақсадимиз шарқий эроний тилли қавмларнинг мазкур миграцион жараёнларда ҳозирги Ўзбекистоннинг Зарафшон воҳаси, Қашқадарё воҳаси, Тожикистоннинг Суғд вилояти, Помир, Бадахшон тоғлари бўйлаб тарқалгани ҳақида тасаввур беришдир. Шу жумладан, ўзларини *сғудик ноб*, яъни “суғдий қавмлар” деб атаган суғдий тилли халқнинг тақдири ўзига хос кечган. Бу халқ ўзи келиб жойлашган ҳудудларда туб прототуркий аҳоли билан асрлар оша қарийб икки ярим минг йил давомида ёнма-ён яшаб, суғдий ва туркий тарихий-маданий симбиози шаклланишида алоҳида роль ўйнаган. Айниқса, мил. авв. I минг йилликнинг сўнгги чорагидан милодий VIII-IX асрлар ораси суғдий халқнинг тақдирида алоҳида даврга айланган. Бу ўртада Буюк ипак йўли тармоқлари бўйлаб суғдийлар халқаро савдо-иқтисодий, маданий ва маънавий муносабаатларнинг энг фаол иштирокчиларига айландилар. Бу даврда суғдий тил эса халқаро муомала тили вазифасини ўтай бошлади. Шу жиҳатдан олганда ёзув мавжудлиги цивилизациядан дарак берар экан, цивилизация ёзувсиз мавжуд бўлолмаслигини инкор этиб бўлмайди.

Марказий Осиё халқларининг VI-VIII асрлар даври маданияти, иқтисодиёти ва сиёсий ҳаётини ўрганишда нумизматик материаллар муҳим аҳамият касб этади. Кейинги даврдаги суғдий тангаларнинг тадқиқ этилиши натижасида нафақат Суғднинг ички сиёсий ҳаёти, балки унга туташ ва ҳамкор бўлган Бухоро, Қашқадарё, Чоч, Тароз, Ўтрор, Еттисув, Фарғона, Уструшона, Хоразм, Шарқий Туркистон

каби тарихий-маданий минтақаларнинг ички алоқалари ва сиёсий ҳаёти янада ойдинлашди. Суғдий тангалар ёки суғдий ёзувли тангаларнинг бу каби катта ҳудудда тарқалиши суғдий маданиятнинг қўшни минтақаларга жадал кириб боргани ва уларга таъсиридан далолат беради.

Қадим ва илк ўрта асрлар даврида Суғд Самарқанд (Зарафшон дарёси воҳаси), Бухоро ва Қашқадарё (Кеш ҳамда Нахшаб) воҳаларидан иборат бўлган. Ҳар учала минтақа айни пайтда умумий сиёсий бирлик ва ички конфедератив алоқадорлик тизими сифатида ўз маҳаллий танга зарбларига эга эдилар. Танга зарблари ўзига хос жиҳатлар билан ўзаро фарқли бўлгани билан бир вақтда суғдий ёзувли ривоятлари уларни ягона маданий моҳиятини белгилаб берган. Нумизматик материалларда бу ҳолат аниқ кўзга ташланади. Айниқса, Қанғ давлатининг парчаланишидан кейин ҳар минтақанинг умумий тарихи-маданий майдонда нисбий мустақил ривож йўлига кириши, кейинчалик Турк хоқонлиги ялпи ҳукмронлиги даврида ҳам ҳар уч воҳада мустақил танга зарбининг давом эттирилиши муаммонинг муҳимлигини янада аниқроқ кўрсатади. Ёзув ва унинг метал (танга) юзасидаги амалий қўлланиши зарб техникасининг мукамаллик даражаси билан боғлиқ ҳолда ўқилиши ва аниқ талқин қилиниши қийин бўлган эпиграфик муаммоларни келтириб чиқаради. Таҳлиллар бу даврда нафақат Самарқанд, Бухоро, Кеш каби йирик марказларда, балки уларга тобе маҳаллий мулк ҳукмдорлари томонидан ҳам ўз номларидан танга зарби эмиссиялари бўлганини кўрсатади¹. Бу тоифа тангалардаги ёзув

¹ Илк ўрта асрлар Суғдда асосий танга кумушдан ишланган (4- 4,25 гр кумуш) драхма (*δρῆμα*) бўлиб, *πνυ* деб номланган бронза пул (1-1,5 дан то 4-5 гр оғирликда бўлган) бирлиги ҳам ички бозорда ишлатилган.

палеографияси ҳам ўзига хос мураккаб муаммо сифатида яхлит мустақил тадқиқотни кутмоқда.

Суғдий ёзма ёдгорликлар палеографияси Р.Готьо, Э.Бенвенист, В.Б.Хеннинг, К.Г.Залеман, В.Зундерман, А.А.Фрейман, В.А.Лившиц, Н.Симс-Виллиямс, М.Исҳоқов каби суғдшунослар томонидан анчайин ўрганилгани ҳолда² бу масала доирасида тангалардаги ёзувларнинг хусусиятлари, уларнинг қачон, қаерда ва ким томондан зарб этилгани, танга зарби муҳрасига тескари туширилган ботиқ ёки бўртма ёзувларни ишлаган усталарнинг хат (хаттотлик) услублари, танга ёзувлари асосида даврий кетма-кетлик, яъни ёзув графикаси такомилли динамикасини хронологик кузатиш ва худудий хусусиятларини аниқлаш, маълумотларни тизимли тартибга солиш, таҳлил этиб, ёзув белгиларини, асосан, ҳарфлар ва уларнинг таркибий унсурларини ҳамда фарқловчи белгиларини аниқлаш орқали нумизматик материалларнинг тарихий жараёнини ўрганишдаги асл моҳиятини очиб бериш уни чуқур таҳлил этиш учун муҳим ва долзарб масала ҳисобланади³.

Ўз даврида суғдшунос А.А.Фрейман ушбу масалага эътибор бериб, ўз тадқиқотларида келажакда топилиши мумкин бўлган тангалардаги ҳарфларнинг график хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим самара беришини ва эроний тилларнинг Шарққа ёйилишини янада ойдинлаштиришини таъкидлаган. Ўз фикрига асос сифатида

² Gauthiot, 1911; Gauthiot, 1912; Benveniste, 1929; Benveniste, 1959; Henning, 1946; Livshitz, 1970; Sundermann, 1973; Sims-Williams, 1975; Исҳоқов, 1992.

³ Нумизматик материаллардаги суғдий ёзув хусусиятлари ва палеографияси масалалари алоҳида тадқиқот объекти ҳисобланади. Нумизматик палеография архаик хусусиятни ўзида жамлаган бўлиб, чуқур таҳлил этилиши лозим – И.М., Ғ.Б.

олим орамий тиллардан маҳаллий тилларга ўтиш жараёнидаги оралиқ давр хусусиятлари тангаларда сақланиб қолганини келдиради⁴. Яъни, илк суғдий тангалардаги ҳарфларнинг график кўринишлари орамийчани сақлаган ҳолда давом эттирган ҳолатлар кўзга ташланади.

Таъкидлаш жоизки, тангалардаги ёзув бир марталик техник ишлов бериладиган статик ҳолатни акс эттиради ва бошқа ўзгармайди. Бир мартада қолипда босилади. Аслида тангадаги ёзув ўйма қолип (матрица)да тескари турган. Уни қайта ишлаш имконияти бўлмаган. Шунинг учун ҳам тангалардаги ёзувларнинг архаик ҳолати яхши сақланган. Аммо мазкур ҳолат суғдий тангаларда даврий ўзгариб борган, архаизм қолиб кетиб илк ўрта асрларнинг сўнги босқичида тангаларга ҳам суғдий курсив ёзув кириб келган. Бу ҳолатни таҳлил қилиш тангалардаги ёзувларнинг график шакллари тадқиқ этиш, Суғд ҳукмдорликларидаги танга зарбининг хусусиятларини очиб беришда қўл келади. Яъни, илк Суғд тангаларидаги ёзувларнинг қандай шаклдалиги, ёки Чоч тангаларидаги ёзувлар қандай хусусиятда бўлгани, Бухоро тангаларидаги ёзувларда архаизм қанчалик сақланиб қолганлиги маълум бўлади. Бу ҳолатни тадқиқ этиш эса тангалардаги суғдий ёзувларнинг динамикасини ва даврий хусусиятларини очиб бериш имконини беради.

Суғдийлар ўзларининг тиллари талабларидан келиб чиқиб, мил. авв. III-II асрлардаёқ Аҳамонийлар Эрон салтанати ва унга тобе сатрапликларда, жумладан, Суғдда ҳам амал қилган орамий ёзуви алифбесининг график шаклларида фойдаланиб ўз алифбеларини яратганлар.

Суғдий алифбенинг чизма шакллари ўзига хослигидан ташқари, ундаги ҳарфларнинг суғдий тил товуш тизими

⁴ Фрейман, 1951: 26-42.

билан функционал боғлиқлигидаги универсалия ёзма ёдгорликларни ўқиш ва талқин қилишда аввало техник, қолаверса илмий-назарий муаммоларга сабаб бўлиб келмоқда. Бунинг устига қарийб барча ҳарфларнинг матнлардаги шакллари бирор стандартга жавоб бермайди. Шакл хилма-хиллиги суғдий ёзувнинг иллати, камчилиги эмас, балки суғдий ёзув маданиятининг юксаклигидан далолат деб баҳоланади. Чунки, суғдий ёзув оммавий тус олган, халқнинг саводхонлик даражаси баланд бўлган ҳамда эркин равишда ўз индивидуал дастхатига эга одамлар ҳам жамиятда кўп бўлган. Бизгача етиб келган суғдий матнлар орасида касбий котибият хат намуналаридан ташқари суғдий хатти муллои шакллариининг кўплиги шундан далолат беради. Унинг бир неча кўринишлари мавжуд. Бу ҳолат минг йил аввал муомала доирасидан чиқиб, “ўлик” ҳолатга келган суғдий тилли ёдгорликларни ўқиш ва талқин қилишда мураккаблик туғдиради.

Шу жиҳатдан суғдий ёзувни талқин этишда унинг ўтмишдошлари бўлган орамий ва финикия ёзувларидаги ҳарфларнинг чизма шакллариини солиштирган ҳолда талқин қилиш ушбу ёзувни ўқишни ва ҳарфларни эслаб қолишни осонлаштиради. Соҳага доир қарийб барча тадқиқотларда суғдий ёзув орамий ва ўз навбатида орамий ёзув финикия ёзуви асосида шаклланганлиги келтирилган бўлса-да, бу фикрнинг мукамал назарий *графемологик* асосларини кучайтириш лозим.

И.Е.Гельб, И.Фридрих, В.В.Струве, Д.Дирингер, Н.А.Павленко, М.Исҳоқов каби олимлар ушбу ёзувларнинг индивидуал график шакллариини кўрсатишган. Хусусан, ушбу тадқиқотнинг биринчи муаллифи суғдий ёзув тараққиётининг динамикасини кўрсатишга бағишланган махсус тадқиқотларида масаланинг асосларини кўрсатиб берган.

Лекин мазкур ёзув шаклларининг тадрижий ўзгариши, ҳарфларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ҳамда уларнинг номланишига асос бўлган омиллар, ҳар бир ҳарфнинг хусусиятлари ва ниҳоят суғдий ёзувнинг орамий ёзув асосида шаклланганлигининг назарий асослари ва тарихи, айниқса, матнлардаги график шакллар хилма-хиллиги, котибларнинг касбий хуснихат намуналааридан ташқари индивидуал хатнинг кундалик оммавий амалиётдаги ва маҳкамачиликдаги хиллари графемологик чуқур тадқиқотга муҳтож. Тадқиқотларда суғдий ёзув орамий асосда ва орамий финикия ёзувидан келиб чиққан маъносидаги фикр исбот талаб қилмас ҳақиқат деб қаралиб, унинг назарий асосларига эътибор берилмаган. Аслида, финикияликлардан орамийлар қачон ва қайси омиллар асосида ёзувни қабул қилишган ёки орамийлар қачондан ва қайси сабаблар билан ўз ёзувларини суғдий ёзувга бўшатиб беришган каби саволлар билан боғлиқ масалаларда ҳали чалкашликлар мавжуд. Бу эса танланган муаммонинг долзарб эканлигини кўрсатади.

Финикия ёзуви – инсоният тарихидаги илк ҳарф-товуш консонант алифбелари (АБИГИДИ) ёзуви

Ёзув бундан беш минг йиллар илгари турли масофадаги кишиларнинг ўзаро алоқа қилиш эҳтиёжи, сиёсий, ҳуқуқий, диний ва эстетик хусусиятдаги ахборотларни қайд этиш, сақлаш зарурияти билан вужудга келган. Ёзувлар турли асосларда шаклланганлиги боис уларнинг хусусиятлари турличадир. Баъзи ёзувлар бўғинлаб ифодаланган бўлса, баъзиларида ундош товушлар (консонант ёзув) ёзувни ифодалашда устивор ҳисобланган. Бу каби ёзувлар мил. авв. II мингйиллик ўрталаридан шакллана бошлаган бўлиб, бу каби консонант ёзув тизими илмий адабиётда *أبجد* – “абжад” деб ҳам аталади.

Тарихда мавжуд консонант ёзув тизимлари орасида финикия ёзуви алоҳида ўрин эгаллайди. Ёзувдаги графемалар сони 22 тани ташкил этган⁵. Унда фақат ундошларгина ифодаланган, унлилар мутлақо ифодаланмаган. Ушбу ёзув соф консонант ёзув бўлган. Ҳарфлар муайян катъий кетмакетликда жойлашган, яъни, алифбени ташкил этган. Ҳар бир ҳарф белгили акрофоник тамойилда ўз номига эга бўлган ва номлар айна ҳарф билдирган товуш билан бошланган⁶. Масалан, *б* – “бет”, *г* – “гимел”, *д* – “далет”, ва ҳ. к. Финикия алфавити *алиф*, *бе*, *гуймал*, *долет* ҳарфларидан бошлангани сабабли фанда типологик жиҳатдан *абигиди* ёзув дейилади.

Финикия алифбеси оддий ва эслаб қолиш учун тушунарли бўлиб, ўзига яқин бўлган сомиёв халқлари ёзувларидан қарийб фарқ қилмаган. Финикия ёзувидаги графемаларни аташда қадимги тасвирий белгиларга

⁵ Фридрих, 1979: 103 – 104, 281.

⁶ Гельб, 1982: 134 – 137.

ишорат қилувчи номлардан фойдаланишган ва улар қуйидагича: *алеф* (буқа – **𐤀**) – **а**, *бет* (уй – **𐤁**) – **б**, *гимель* (туя – **𐤂**) – **г**, *далет* (эшик – **𐤃**) – **д**, *хе* (хоч/ўзаро кесишган икки чизик – **𐤄**) – **е**, *вов* (мих – **𐤅**) – **в**, *зайн* (курол – **𐤆**) – **з**, *хет* (тўсиқ (панжара)/ғов – **𐤇**) – **х**, *тет* (юк – **𐤈**) – **т**, *йод* (қўл – **𐤉**) – **й**, *каф* (қўл кафти – **𐤊**) – **к**, *ламед* (тикан, ниш – **𐤋**) – **л**, *мем* (сув – **𐤌**) – **м**, *нун* (балиқ – **𐤍**) – **н**, *самех* (сарлавҳа – **𐤎**) – **с**, *айн* (кўз – **𐤏**) – **о**, *пе* (оғиз – **𐤐**) – **п**, *цадде* (ўроқ – **𐤑**) – **ц**, *коф* (маймун – **𐤒**) – **к**, *реш* (бош, калла – **𐤓**) – **р**, *шин* (тиш – **𐤔**) – **ш**, *тав* (белги, нишон, тамға – **𐤕**, **𐤖**) – **т**. Аксарият ҳолларда ҳарфларнинг шакли уларни номлашга асос қилиб олинган ва бу ҳарфларни эслаб қолишни осонлаштирган⁷. Финикия ёзуви асосида шаклланган орамий ва суғдий ёзувда бўлгани каби ушбу ёзув тизимида ҳам *бет*, *далет*, *хе*, *зайн*, *каф*, *нун*, *цадде* каби ҳарфларнинг бир неча хил шакллари Ахирам, Асдрубал, Абибал, Елибал, Шифатбал каби финикия ёзма ёдгорликларида кўзга ташланади⁸.

Финикия ёзувининг кашф этилиши инсоният тарихидаги муҳим воқелик бўлиб, бу оддий ёзув орқали сўзлар ҳеч қандай гетерограмма ёки аниқловчиларсиз осон ёзиладиган ва жамиятда бирдек тушуниладиган бўлган. Масаланинг муҳим жиҳати ушбу ёзувдан жамиятнинг барча табақа вакиллари фойдалана олган. Финикия ёзуви ўнгдан чапга қараб ёзилган. Матнларда сўзлар вертикал чизиклар ёки нуқталар билан ажратилганлигини кузатиш мумкин. Финикия ёзувининг осон ўзлаштирилиши ва содда хусусиятлари унинг мил. авв. IX асрларга келиб жадал тарқалишига сабаб бўлган⁹. Бунинг натижаси ўлароқ жаҳонда мавжуд ҳарф-товуш

⁷ Павленко, 1987: 123.

⁸ Дирингер, 1963: 233 – 258.

⁹ Гельб, 1982: 269.

алифбели ёзувларнинг 4/5 қисмининг шаклланишида аждод ёзув ролини ўйнаган.

Таҳлиллар финикия ёзувининг қуйидаги хусусиятлари мавжудлигини ҳам кўрсатади:

Биринчидан, финикия ёзувининг муҳим хусусияти ундаги 22 та ҳарфнинг ҳар бири инсон нутқи билан узатилишида эди. Яъни, алифбе таркибининг содда ва аниқ тузилганлиги ёзувнинг муҳим устиворлиги ҳисобланган;

Иккинчидан, финикия алифбеси овоз чиқариш тамойилини билмайди. Яъни, барча ҳарф белгилар фақат ундошлар бўлиб, унлилар ҳарф кўринишда эътиборсиз қолган. Баъзи халқлар (масалан, юнонлар) финикия ёзувини ўзлаштираётган вақтда ўзларига мослаштиришга ва бу ноқулайликни бартараф этишга ҳаракат қилишган;

Учинчидан, финикия ёзувидаги барча ҳарфлар аниқ жисмлар номи билан аталган эди. Бу эса ёзувни эслаб қолишда муҳим омил ҳисобланарди. Финикия ёзувидаги барча ҳарфлар учун уларнинг Миср ва Бобилдаги ёдгорликларда акс этган тасвирлари асос қилиб олинган. Масалан, *айн* (кўз), *реш* (калла), *далет* (эшик) ва бошқа бир қатор ҳарфларнинг график шакллари юқорида келтирилган ёдгорликларидаги тасвирларга айна мос тушади. Лекин ёзувдаги ҳарфларнинг ташқи график кўринишидан кўра уларни ички грамматик ва фонетик хусусиятларига эътибор бериш ҳам лозим бўлади;

Тўртинчидан, финикия алифбесидаги ҳарфларнинг фонетик маъноси уларнинг номларидан келиб чиққан акрофоник қоида ёрдамида, яъни, ҳарф номининг биринчи товуши ҳарфнинг фонетик эквивалентидир. Масалан, “бет” деб номланган ҳарф “б”, “далет” ҳарфи “д”га тўғри келади, “вав” – “в” ва ҳоказо.

Бешинчидан, ва ниҳоят, финикия ёзувининг охири ва жуда муҳим хусусияти унинг ўнгдан чапга қараб ёзиш йўналиши бўлиб, ҳозиргача тадқиқотчиларни ҳайратда қолдирган бу хусусият Яқин Шарқдаги замонавий ёзувнинг ўнгдан чапга қараб ёзилганлигида намоён бўлади¹⁰.

Хуллас, таҳлиллар шуни кўрсатадики, ушбу хусусиятларга эга ёзувлар финикия ёзуви асосида шаклланган бўлиши мумкинлиги эҳтимоли юқори. Шунингдек, финикия ёзувини ўзлаштирган ёки қабул қилган халқлар финикия ҳарфларининг олдинма-кетинлиги, акрофоник тамойиллари ҳамда ёзувнинг ўнгдан чапга қараб ёзилишини сақлаб қолишган.

Орабийлар кимлар? Финикия ёзувини нима учун айнан орабий ёзув сиқиб чиқарди? Финикия ёзуви ва орабий алифбеси ўртасида шаклий ўхшашликлар нималардан иборат? Бу каби саволлар иккала ёзувнинг боғлиқликларига ойдинлик киритади.

¹⁰ Струве, 1923: 10 – 12.

Орамий ёзув – финикия ёзувининг давомчиси

“Орам” ибораси жой номи ёки давлат номи сифатида мил. авв. XXIII асрда вужудга келган бўлиб, бу ҳақда Аккад ҳукмдори Нарамсин (мил. авв. 2237 – 2200) томонидан ёздирилган қоятош суратларида маълумот келтирилади. Тарихий Орам мамлакати Юқори Месопотамияда жойлашган. Кейинчалик мил. авв. 1700 йилларга дахлдор Мари (Месопотамиядаги қадимги давлат номи) давлатини бошқарган ҳукмдор номи сифатида ҳам учрайди. Кейинчалик мил. авв. XI ва X асрларда Оссурия давлати (мил. авв. 2400 – 605 йиллар)нинг инқоризи натижасида орамийлар минтақа халқлари сиёсий ҳаётида муҳим рол ўйнай бошлаган. Мил. авв. VIII аср охирларида Месопотамия ва Суриянинг катта қисми орамий тилда гаплашган. Аҳамонийларга қадар орамийлар Месопотамия худудида ташкил топган давлатлар ҳукуматларида юқори лавозимларда ишлай бошлаган. Айниқса, маҳкама ва девон ишлари орамийлар зиммасида эди. Аҳамонийлар давлати даврида орамийлар давлатга ташқи душман ва ички норозиликларни бостириш учун ёрдам беришган¹¹. Давлат эса уларнинг хизматлари эвазига ҳокимиятнинг маҳкама ва ҳужжатчилик ишлари билан шуғулланишларига имкон берган. Шу тарзда орамийлар ўзлари тарихан шаклланган Арабистон ярим ороли худудларидан Сурия, Олд Осиё, Эрон Аҳамонийлари давлати худудларига кириб боришган.

Мил. авв. 331 йилга оид Персопол (Эроннинг жануби-ғарбидаги мил. авв. VI – V асрларга оид Аҳамонийлар давлати пойтахтларидан бири)даги ёнғинда кўплаб

¹¹ Немировский, 2015: 569 – 571.

орамий ва аккад тилида ёзилган Эрон ҳукмдорларининг ҳужжатлари ёниб кетган. Ушбу ёзувлар 1936 – 1938 йилларда топилган эди. Сақланиб қолган маълумотлар таҳлили натижасида маълум бўладики, Аҳамоний ҳукмдорлар ўз буйруқларини оғзаки равишда беришган ва ҳужжатлар орамий тилда ҳужжатлаштирилган. Чунки давлатда бошқарув тили элам бўлгани ҳолда орамий тил Эрон салтанатида маҳкамачилик тили ҳисобланган. Бу ҳолат ҳужжатлардаги бошқарув аппаратига оид орамий атамалар (гетерограммалар) таҳлили орқали аниқлаштирилган¹². Бугунги кунга қадар суғдий ёзувларда сақланиб қолган ўнлаб орамий гетерограммаларда ҳам бошқарувга дахлдор атамаларнинг сақланиб қолганлиги буни янада ойдинлаштиради¹³.

Суғдшунос М.Исҳоқов ўз тадқиқотларида XX аср давомида Персеполь (Эрон), Тель-Халайф (Сурия), Хамат ва Луъаш (Марказий Сурия), Бар-Хадад (Шимолий Сурия), Бар-Ракиб (Туркия), Суджина (Тожикистон), Даскиле (Кичик Осиё), Аребсун (Каппадокия/Кичик Осиё), Элефантин ороли (Миср), Туна-ал-Жабал (Миср), Саккаре (Миср) ва бошқа ёдгорликлардан топилган орамий ёзувларнинг ўрганилиши¹⁴, лингвистик хусусиятлари тўғрисида атрофлича маълумотлар келтирган¹⁵. Олимнинг орамий манбалари лингвистик хусусиятлари тўғрисидаги фикрлари ушбу соҳадаги бир қатор тадқиқотлар учун йўл очган ва соҳанинг ўрганилишида ушбу йилларда амалга оширилган муҳим тадқиқот сифатида баҳоланади.

¹² Дандамаев, Луконин, 1980: 126 – 127, 158.

¹³ Исҳоқов, 2008. 48 – 59.


¹⁴ Лившиц, Шифман, 1977: 7 – 24.

¹⁵ Исҳоқов, 2008: 12 – 19.

Орамийлар мил. авв. XIV – XI асрларда Ғарбий Осиё ерларига келиб ўрнашган (Арабистон ҳудудларидан) ва мил. авв. биринчи мингйиллик бошидаёқ финикия ёзуви билан танишиб, уни ўз тилларига мослаштиришга улгурган эдилар. Дастлабки орамий ёзув финикийлар ёзувидан фарқ қилмаган. Мил. авв. биринчи минг йиллик ўрталарида, яъни Аҳамонийлар салтанати таркибидаги даврда улар финикия ёзувига айрим ўзгаришлар киритишади, яъни, ҳарфларнинг шаклий тузилишини соддалаштиришди. Лекин орамий ёзув ҳарфлари ҳам ўзининг ўтмишдошидан унчалик катта фарқ қилмаган¹⁶. Е.И.Гельб тақдим этган жадвалда буни яққол кузатиш мумкин¹⁷. Бунинг натижасида орамий ёзуви нафақат давлат бошқаруви, балки савдо-сотик ва маъмурий-хўжалик ишларида кенг қўлланилиши учун зарур бўлган.

Орамийлар империя таркибидаги савдо муносабатларида фаол бўлиб, Олд Осиё, Кичик Осиё ва Мисрда кўплаб орамий манзилгоҳлар айна шу муносабатлар натижасида вужудга келган. Бу эса ёзувнинг тармоқ отишига ва маҳкама ишларига кириб боришига замин яратган.

Орамийлар мил. авв. I мингйилликнинг бошларига келиб финикияликлардан қабул қилишган эди. Орамий ёзув ҳам финикия ёзуви каби 22 та ҳарфдан иборат бўлиб, унда ҳам худди финикия ёзувидаги каби ундошлардан фойдаланилган. Ундош товушлар очик ҳолда ифодаланган. Орамий ёзувининг график шакллари қуйидагича:

алеф –  ҳарфининг орамийча шакли палеографик жиҳатдан финикия ёзувидаги ушбу ҳарфга ўхшаш бўлиб, унда буқа тимсоли калла ва шох кўринишида тасвирланади (**К**), яъни, ҳарфнинг ўнг томонидаги таёкчалар

¹⁶ Skjærvø, 1996: 530.

¹⁷ Гельб, 1982: 136.

кичрайиб, уларнинг туташ жойи ўртадаги устундан чап томонга чиққанлиги кўзга ташланади. Таъкидлаш лозимки, 'алеф ҳарфини олимлар “буқа” калласи сифатида талқин қилишлари замирида унинг айни шаклга ўхшашлиги эмас балки, 'āleph семит тилида “буқа” маъносини ифодалагани учун ҳам ушбу кўринишда талқин қилинади. Орамийча *алефнинг* **Ⲁ** шакли ҳам дастлабки орамий ёдгорликлар орқали маълум¹⁸. Ушбу шакл эса юқоридаги варинатлардан бир мунча фарқ қилади. Унда ўрта чизиқнинг чапга қараб қиялама ёзилганлиги ва ҳарфнинг бошланиши чап томондаги учбурчакдан бошланганлиги кўзга ташланади. Орамийлар финикия ёзувидаги **Ⲁ** шакли *алефни* **Ⲁ** шаклда ёзиш орқали янги алифбеда ўзларининг “а” ҳарфларини шакллантиришган;

Орамийча *бет* – **Ⲃ** финикийча **Ⲃ** ҳарфига шаклан ўхшаш. Ушбу ҳарф палеографик жиҳатдан кирилча “9” сонига яқин кўринишда бўлган. Финикийча шаклидан ҳарфни шакллантирган ўнг тарафдаги таёқнинг тўғри ёзилиши билан фарқланади. Орамийча *бет* ҳарфининг юқори думалоқ қисми ўрамсиз ёзилган шакли **Ⲃ** ҳам маълум;

далет – **Ⲅ** ҳарфининг орамийчаси унинг финикийчасидан **Ⲅ** асосан учбурчакнинг ўнг томон чизиғининг пастга тортилгани билан фарқланади. Шунингдек, финикийчада орамийчадан фарқли равишда *далет* ҳарфи учи ўнг томон пастга қаратилган учбурчак шаклида эканлиги билан ҳам ажралиб туради;

хе – **Ⲇ** ҳарфи орамийча алифбеда чап томонга қиялаб ёзилганлиги билан айни ҳарфнинг финикийча шакли (**Ⲇ**)дан фарқланади. Орамийчада ҳам бир чизиққа чап

¹⁸ Дирингер, 1963: 304 – 305.

тарафдан туташган учта кичик чизик ўтмишдошига ўхшаш;

Орабийча *вов* – **У**, *зайн* – **И**, *хет* – **Н**, *гимел* – **Г**, *тет* – **Т**, *йод* – **З**, *айн* – **О**, *коф* – **Ф**, *пе* – **Л**, *шин* – **Ш**, *тав* – **Х** ҳарфлари палеографик жиҳатдан финикия ёзувидаги ўтмишдошлари билан бир хил шаклга эга;

каф – **К** ҳарфи финикийча айни ҳарфдан (**К**) анчайин фарқли бўлиб, орабийча *каф* ўнг томонга қийшайган чизикнинг юқори чап томонида думи билан тасвирланган;

ламед – **Л** ҳарфи финикия ёзувидаги айни ҳарф (**Л**) билан ўнг томонга чўзилган думининг қисқалиги билан фарқланади. Иккала ёзувда ҳам ҳарфнинг дум қисми ўнг томонга қараб ёзилиб, орабийчада ҳарфнинг “дум”и калта тасвирланган;

Орабийларнинг ёзув ислохотлари натижасида *мем* – **М** ҳарфи чап томонга тўлқинлагани, *нун* – **Н** ҳарфининг таёқчаси эса узунчоқ шаклда, *самех* – **С** ҳарфидаги узунчоқ чизиклар орасида қисқаришлар вужудга келгани, *цадде* – **Д** ҳарфининг ўнг томондаги тўлқинсимон чизиклари пастга қараб оғгани ва *реш* – **Р** ҳарфининг ўнг томонга қиялама шаклда ёзилганини кўриш мумкин (И.Е.Гельб орабий ҳарфларнинг график хусусиятлари тўғрисида батафсил маълумот келтиради)¹⁹.

Кейинги йилларда Шимолий Афғонистонда топилган орабий ҳужжатлар ушбу ёзув мавжудлигининг сўнгги даврларида ёзилган бўлиши мумкин. Ҳужжатлар 29 йиллик давр (353 – 324)ни ўз ичига олган бўлиб, Аҳамоний ҳукмдорлари Артаксеркс III, Доро III, Бесс, Артаксеркса [V] ва Александр Македонскийлар даврига оид²⁰. Ушбу ҳужжатлар III.Шакэд томонидан эълон

¹⁹ Гельб, 1982: 136.

²⁰ Кошеленко, 2007: 52 – 54.

қилинган эди²¹. Мазкур хужжатлар бугунги кунда фанга маълум сўнгги хужжатлар ҳисобланиши билан бир қаторда орамий ёзувининг сўнгги даврига оид бўлиши эҳтимоли ҳам юқоридир.

Хуллас, бугунги кунга қадар фанда орамий ёзув айнан қайси даврдан бошлаб ўз ўрнини маҳаллий ёзувларга бўшатиб берганлиги борасидаги фикр ўз ечимини тўлиқ топгани йўқ. Юқорида келтирилган Шимолий Афғонистонда топилган мил. авв. IV – III асрларга оид манбанинг орамий ёзувида битилган сўнгги мактуб эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, айна даврдан бошлаб орамий ёзув ўз ўрнини маҳаллий ёзувларга бўшатиб берган деган хулосага келиш мумкин. Жумладан, хоразмий, парфиёний, суғдий ва бохтарий ёзувлар орамий ёзувнинг график асослари маҳаллий тилларга мослаштириб ўзлаштирилган мустақил ёзувлар сифатида давом эттирдилар.

²¹ Shaked, 2004: 62.

Суғдий ёзув – орамий ёзувнинг янги авлоди

Марказий Осиё халқлари ёзув маданиятининг фонетик алфавитли тизимларига мил. авв. VII – V асрлардан бошлаб ошно бўлдилар. Дастлаб, улар қадимги халқаро муносабатлар доирасида Олд Осиёга тарқалган орамий ёзуви билан танишганлар. Кейинчалик қадимги Эрон салтанати таркибига кирган ҳолда орамий ёзуви аждодларимиз ҳаётига расмий давлат ёзуви сифатида кириб келган. Мил. авв. IV – III асрларда эса орамий ёзувини маҳаллий хоразмий, парфиёний, суғдий, бохтарий тилларга мослаштириб, янги ёзув тизимлари пайдо бўлган. Ушбу ёзувларда битилган ёдгорликларнинг тарихий грамматологик талқини ўта мураккаб вазифа бўлиб келмоқда. Гап шундаки, ҳар тўрттала ёзув асосидаги қадимги тиллар унутилган. Улар ёзма ёдгорликлар матнлари кўринишида сақланиб қолган “ўлик” тилга айланган. “Ўлик” тилларни ёзувда ўқиш уларнинг ташқи аломатларини, агар маълум бўлса, аждод ёзув билан солиштириш орқали ҳал қилинади. Бироқ ўлик тилнинг қандай тил экани масаласи мураккаб тарихий-қиёсий лингвистик тадқиқотлар усули билан аниқланади. Суғдий матнлар масаласида ҳам худди шу икки иш усулидан фойдаланилган ва ҳар ҳолда ишончли яхши натижаларга эришилган.

Замонавий суғдшунослик салкам 150 йиллик тарихга эга. Бу даврда мазкур “ўлик” суғдий тил ўқилдигина эмас, унинг грамматикаси ҳам мукаммал тикланди дейиш мумкин. Бу жараён бошида Э.Готье, Ф.В.К.Мюллер, Э.Бенвенист, Х.Рейхалт, Т.Тедеско, В.Б.Хеннинг, В.А.Лившиц, И.Гершевич каби олимлар туришган. Уларнинг ишларини Д.Мак-Кензи, В.Зундерман, Н.Симс-Вильямс, Ф.Грене, Ю.Йошида, Этиен де ла Вэссиер, Эронда Б.Ғариб,

3.Заршинос, Ўзбекистонда М.Исҳоқов ва унинг шогирдлари давом эттирмоқдлар.

Марказий Осиё қадимги ёзув ёдгорликларини ўрганиш эроний ва туркий қадимги тиллар соҳасида маълум билим, тасаввур ва кўникмалар бўлишини талаб қилади. Энг муҳими, ўша қадимий ёзув ва тил материалларидан керакли тарихий маълумотларни чиқара билиш ва янада жиддий равишда бу маълумотларнинг объективлигини таъминлаш лозим бўлади.

Орабий ёзув асосида шаклланган алифбелли ёзувлардан бири суғдий ёзув бўлиб, бугунги кунда бошқа туркум (хоразмий, парфиёний, бохтарий) ёзувларга нисбатан унинг ёдгорликлари анчайин кўп етиб келган. Ушбу ёзма ёдгорликларнинг катта қисми илк ўрта асрлар (V – VIII)га оид. Суғдий ёзув шаклланган дастлабки даврга яқин ёдгорликлари мил. авв. II-I асрларга оид илк суғдий тангаларда сақланган. Орабий ёзув аъъанаси тугаган мил. авв. IV – III асрларга оид суғдий ёзма манбалар фанга маълум эмас. Милодий дастлабки асрларга оид сопол парчаларидаги суғдий ёзувлар график тараққиётнинг ярим курсив намуналари ҳисобланади. Шундай қилиб, қадимият ва илк ўрта асрлар орасидаги узилиш суғдий ёзув динамикасини ўрганишда айрим мураккабликларга сабаб бўлмоқда.

Соҳа мутахассисларининг фикрлари ва илмий адабиётда келтирилган маълумотлар қуйидаги фикрларни илгари суриш имконини беради:

Биринчидан, Аҳамонийлар салтанати буткул инқирозга юз тутган даврга қадар орабий ёзув бу давлатда маҳкамада ишлатилган. Фақатгина мил. авв. III – II асрга келиб орабий ёзув ўрнини маҳаллий ёзувлар эгаллаган. Суғд ҳукмдорлари томонидан зарб қилинган илк тангалар Юнон-Бақтрия давлати (мил. авв. 250 – 125) ҳукмдор-

ларига, кўпроқ Евтидем (мил. авв. 235 – 200), Евкратид (мил. авв. 171 – 145) ва Гиркод тангаларига ўхшатиб²², уларга таклидан зарб қилинган²³. Ушбу Суғд тангаларидаги ёзувлар минтақадаги илк суғдий ёзувли тангалар ҳисобланади²⁴. В.Б.Хеннинг берган маълумотларга кўра Қўйқирилганқалъадан топилган илк суғдий тангалари ҳам мил. авв. II асрга дахлдор бўлиб²⁵, бу орамийдан суғдий ёзувга ўтиш жараёни айна даврдан бошланганлигини англатади;

Иккинчидан, ушбу маълумот фақат Суғд ва унга туташ ҳудудларга дахлдор бўлиб, келиб чиқиши орамий асосда бўлган ўртаэроний гетерографик ёзувларни фундаментал ўрганган В.Б.Хеннинг ўрта эроний ёзувларнинг пайдо бўлишини, ушбу туркум ҳужжатчиликнинг мил. авв. II асрга келиб ўрта эроний тилга ўтиши билан изоҳлашга ҳаракат қилади. М.Исҳоқов ушбу фикрга қўшимча сифатида Форс ҳукмдорлари (Фратарак) томонидан зарб қилинган тангалардаги орамий жумлаларнинг хронологик даврини айна шу даврга оидлигини асос сифатида келтиради²⁶. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, ушбу тангалар асосан Аршакийлар (мил. авв. III – милодий III аср) даврида зарб этилган. Тангаларни (I ва II тип) даврий таснифлаган Дж.Хилла ва В.Б.Херцфельд уларни мил. авв. III – II асрга оид деб тахмин қилишади. Тангалардаги ёзувлар палеографик жиҳатдан Аҳамонийлар давридаги империя маҳкамасида ишлатилган орамийга ўхшаш. III тип тангаларидаги ёзувлар эса мил. авв. II аср охирига оидлиги мутахассислар томонидан аниқланган²⁷;

²² Ғойибов, 2020: 28 – 30, 41 – 42.

²³ Зеймаль, 1983а: 71 – 76.

²⁴ Зеймаль, 1983: 269 – 273.

²⁵ Henning, 1958: 25.

²⁶ Исҳоқов, 2008: 25 – 26.

²⁷ Зеймаль, 1983: 283.

Учинчидан, В.Б.Хеннинг томонидан илгари сурилган ушбу фикр В.А.Лившиц ва В.Г.Луконин томонидан кўллаб-қувватланган бўлиб, олимлар мил. авв. II асрга оид орамий ёзувидаги тангалардан гетерографик ўрта форсий ёзувига аллоқачон ўтилганлигини эътироф этишади. Улар бу борадаги Р.Гиршманнинг талқинларини ўрта форсий тил орфографик қоидалари ва лексик қоидаларга мувофиқ келмаслигини таъкидлашади²⁸. Демак, мил. авв. II асрга келиб минг йил давомида мавжуд бўлган орамий ёзув ўз ўрнини маҳаллий ёзувларга бўшатиб берган. Айниқса, суғдий ёзма ёдгорликларнинг бевосита айна даврдан бошлаб маълум эканлиги, Суғдда мил. авв. II асрдан бошлаб ўзларининг маҳаллий ёзувларига ўтганликлари тўғрисидаги фикрни янада кучайтиради;

Тўртинчидан, археологик тадқиқотлар ҳам орамий ёзувнинг мил. авв. II асрларга келиб суғдий ёзув минтақа тарихига кириб келганлигига ишора беради. 1973 йилдан Ч.Валихонов номидаги Тарих ва археология институти (Қозоғистон) Туркистон археологияси бўлими ходимлари томонидан Култўба шаҳри бир неча босқичларда ривожланганлиги археологик тадқиқотлар натижасида аниқланган эди. Култўбадаги археологик ёдгорликлардан Қанғ давлати ҳукмдорлиги даврига (мил. авв. II – милодий IV асрлар) оид қатлами муҳим материалларни берди. Шулардан бири суғдий ёзувли сополга битилган эпиграфик ёзма манбалар ҳисобланади. Сопол парчаларидаги ёзувлар таҳлили уларнинг орамий эмас суғдий эканлигини кўрсатади. Жумладан, |ḡ| ҳарфини ифодалашда *t* <*taw*> ишлатилиши ва *ḡ* <*lamedh*> ҳарфининг бошқа суғдий манбаларда учраши мисолида ўз тасдиғига эга. Шунингдек, *g* (*γ*), *y*, *p*, *ṣ* (=ṣ), *š* каби

²⁸ Лившиц, Луконин, 1964: 156 – 173.

харфларнинг аниқ кўриниши ҳам Култўба эпитафик манбаларини орамий эмас балки суғдий эканлигини яққол кўрсатади²⁹;

Бешинчидан, бугунги кунга қадар муаммога доир амалга оширилган тадқиқотларда асосан эътироф этиб келинган И.Е.Гельб изланишларида ҳам олим ўзининг асосий эътиборини қадимий ёзув тизимларидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларга қаратган ҳолда, финикия ёзуви асосидаги алифбеларни таҳлил қилган ва орамий ёзувнинг шаклланишига қадар бўлган жараёнларни келтириб ўтади. Унинг ишида суғдий ёзув ва алифбедаги харфларнинг хусусиятлари кўрсатиб берилмаган. Бундан ташқари, ишда суғдий ёзув алифбе тизимидаги харфларнинг орамий ва унинг ўтмишдоши финикия ёзувидаги ўхшашлик (Қаранг: Илова-5) ҳақида маълумот берилмайди³⁰. Бу эса муаммонинг долзарблиги масаласини янада кучайтиради.

Баъзи харфларини ҳисобга олмаганда суғдий ёзувли ёдгорликларда мавжуд харфларнинг график шакллари уларнинг қарийб бир хил асосли эканлигини кўрсатади. Жумладан, Турфон воҳасидан граф Отани Кудзуй (1876 – 1948) томонидан топилган³¹ яна бир суғдий алифбе эълон қилинган эди³². Ушбу коллекция ҳамда суғдий алифбе К.Кудара, В.Зундерман ва Ю.Йошида томонидан япон тилида эълон қилинган³³. Алифбе қоғозга битилган бўлиб, таҳлиллар натижасида вояга етмаган ўқувчи томонидан ёзилганлиги маълум бўлади (Қаранг: Расм-1). Унда ҳам харфларнинг аксарият катта қисми суғдий алифбедаги харфлар билан қарийб бир хил эканлигини кўзга ташла-

²⁹ Лившиц, 2015: 59 – 66.

³⁰ Гельб, 1982: 132 – 138.


³¹ Ҳозирда Киото (Япония)даги Рюоку кутубхонасида сақланади.

³² Ушбу алифбе Панжикент алифбесининг яна бир кўриниши бўлиб, харфлар палеографик жиҳатдан фарқ қилади – И.М., Ф.Б.

³³ Kudara, Sundermann, Yoshida, 1997.












нади³⁴. Ёзув машқи уч қатордан (3-чи қатор тўлиқ сақланмаган) иборат бўлиб, Панжикентдаги алифбедан тартиби билан фарқ қилади:

1. ' β w γ δ m ' (100 рақамига ўхшаш) c r p δ (такрор) t
2. n z t (?) δ (такрор) ' (ёки c?) t
3. w y [] (p) r (?) št³⁵



Расм-1. Турфондан топилган суғдий алифбе (Отани коллекцияси, Рюокуку) (*Kudara K., Sundermann W., Yoshida Y. Iranian Fragments from Ôtani Collection: Iranian Fragments unearthed in Central Asia by the Ôtani Mission and kept at the Library of Ryūkoku University. Facsimile Volume. Text Volume. Kyoto, 1997. (in Japanese). P. 18).*

Бизнингча, алифбедаги ҳарфларнинг график шакли уларни қуйидаги тарзда талқин қилиш имконини беради:

Биринчи қатор:  - āleph,  - bēth,  - gimel (γ/x),  - lāmedh,  - mēm,  - ‘ayin (ушбу график шакл “Кўхна хатлар”да 100 сонини ифодалаш учун ишлатилган),  - č (орамийча. š – šādē),  - y (yōdh),  - k (kāph) (?),  - δ (lāmedh)³⁶,  - m (mēm).

³⁴ Yoshida, 1995: 75 – 79.

³⁵ Лившиц, 2008: 305.

³⁶ Алифбеда ушбу ҳарф ўзидан кейинги ҳарф билан қўшиб ёзилган бўлиб, сиёҳи жуда хира ва ҳарфга қўшилиб кетган. Ушбу ҳарф биринчи қатор 4-чи ва иккинчи қатор 3-чи ўринда такрорланган.

Иккинчи қатор: *ل* - *n* (*nūn*) (?)³⁷, *ع* - ‘*ayin*³⁸, *ل* - *lāmedh*³⁹, *ا* - *āleph*⁴⁰, *ر* - *r* (*rēš*), *ش* - *š* (*shīn*), *ت* - *t* (*tāw*).

Алифбеда *he*, *самех* (*sīn*), *pe* ҳарфлари етишмайди. Алифбедаги ҳарфлар тартиб билан жойлаштирилмаган. *a*, *l*, *m*, ‘*ayin* ҳарфлари такрорланган. Баъзи ҳарфларнинг ўқилиши очиклигича қолмоқда. Масалан, иккинчи қатордаги сўнгги ҳарф номаълум. Шунингдек, алифбедаги ҳарфларнинг тузилиши ёки чизма шаклига қараб ёдгорлик қачон битилганлигини аниқлаш мушкул. Ҳарфларнинг шаклий хусусиятлари финикий ва орамей ҳарфларининг кучли даражада трансформацион ҳолатини кўрсатади.

Суғдий алифбе ҳам финикия ва орамей алифбелари сингари 22 та ҳарфдан иборат бўлиб, ҳарфлар қатори кетма-кетлиги ҳам уларнинг ўтмишдошлари каби жойлаштирилган. Суғдий ёзув тизимидаги ўзгариш 23-ҳарф белгиси сифатида // – “ламед”нинг киритилиши эди. Суғдий ёзувда “ламед” ҳарфининг вазифаси ва ушбу ҳарф учрайдиган ҳужжатларнинг асосан Уйғур хоқонлиги (744 – 848) даври билан чегараланиши ҳамда бунга ёзувнинг уйғурлар томонидан ислоҳ қилиниши (шунинг учун ҳам ушбу ҳарф учрайдиган ҳужжатлар Уйғур хоқонлиги даври – VIII асрнинг иккинчи ярми этиб белгиланган) борасида ушбу ҳарф Уйғур хоқонлиги даврида суғдий ёзув

³⁷ Курсив *nūn* (*ل*) ҳарфи алифбедаги айни ҳарфдан чап томон чизигининг юқорига тўғри қаратиб чизилганлиги ва ҳарфнинг бош қисмидаги тугун мавжудлиги орқали фарқ қилади.


³⁸ ‘*ayin* ҳарфи ҳам икки ўринда – биринчи ва иккинчи қаторда такрорланган. Биринчи қатордаги ‘*ayin* ҳарф белгисидан кўра кўпроқ сонни ифодалаш учун ишлатилган. Иккала шакл ҳам бир-бирдан анчайин фарқланади. Айниқса, иккинча ‘*ayin* ҳарфи иккита ҳарф каби ёзилган.

³⁹ Ушбу ҳарф ҳам биринчи қаторда бошқача шаклда такрорланган.

⁴⁰ Биринчи қаторда ҳам такрорланган. Ушбу ўринда *āleph* ҳарфининг “шоҳ”лари ўннга қаратиб акс эттирилганлиги билан фарқланади.

амалиётига ҳам қайтган деган мазмундаги фикр Н.Симс-Вильямс томонидан илгари сурилган эди⁴¹.

1941 йилда Қизил ирмоқ (Красная речка/Қирғизистон) шаҳар харобаси топилган хум (сополдан ясалган дон, май ва бошқа маҳсулотларни сақлаш учун мўлжалланган) гардишига ўйиб битилган суғдий ёзув намунаси топилган (Қаранг: Расм-2). Ёзув бир қатордан иборат бўлиб, хум гардишига соат милларига қарама-қарши шаклда битилган. Ёзувнинг палеографик хусусияти ва <l> ҳарфи талаффуздан ушбу ёзув намунасини VIII асрнинг иккинчи ярми – IX аср бошларига оид деб талқин қилиш мумкин. Гап шундаки, суғдий алифбеда <l> ҳарфи билан бериладиган товуш уйғур алифбесига суғдий *resh* (*resh*) ҳарфига “думча” қўшиш билан ифодаланган. Ҳатто бу трансформация X-XI аср бошларида битилган суғдий тилли матнларда ҳам учрайди⁴². Сўнгги даврга оид суғдий матнларда хорижий сўзларни талаффуз қилишда қўлланилган (ёзма ёдгорликлардаги суғдий тил лаҳжасида /l/ фонемаси учрамайди)⁴³.



⁴¹ Исхаков, 2008: 66.

⁴² Лившиц, 2006: 365 – 370.

⁴³ Лившиц, 2006. 365 – 370.

Расм-2. Хум оғзи гардишидаги суғдий ёзув. 1941 йил Қизил ирмоқ шаҳар харобасидан топилган (Чу водийси). Бишкек Тарих музейида сақланади. (Ёзувнинг фото нусхаси Ч.Джумагулов томонидан чоп этилган (Қаранг: *Эпиграфика Киргизии. Вып. I. – Фрунзе: 1963. – С. 40*)).

Суғдий манбаларда **𐭪** – *lesh* [l] ҳарфи жуда кам учрайди. А.Пандей ҳарфнинг сўз боши **𐭪**, ўртаси **𐭪** ва охиридаги **𐭪** шаклини келтириб ўтади⁴⁴. Лекин унинг бирор шакли мустақил ҳолатдаги шаклига ўхшамайди. Шунинг учун ҳам келтириб ўтилган ҳолатларни *lesh* ҳарфининг хаттий синишлари натижасида ҳолатлар деб талқин этиш мумкин. Суғдшунос М.Исҳоқов эса ушбу ҳарфнинг генезислари Уйғур хоқонлигидан олдинги даврларга оид деб ҳисоблайди.
















1965 йил Панжикент қазилмаларида археолог А.Исҳоқов томонидан топилган сопол парчасидаги суғдий алифбе (Қаранг: Расм-3) 23 та ҳарфдан иборат бўлганлиги кўзга ташланади: ' (*āleph*), β (*bēth*), γ (*gimel*), d (*dālet*), h (*hē*), w (*wāw*), z (*zayin*), x (*aram. ḥ – heth*), t (*teth*), y (*yōdh*), k (*kāph*), δ (*lāmedh*), m (*mēm*), n (*nūn*), s (*sāmek*), ' (*ayin*), p (*pē*), c (*орамийча. ṣ – ṣādē*), q (*qōph*), r (*rēš*), š (*šīn*), t (*tāw*), l (*lāmedh*).




Расм-3. Панжикентдан топилган сополга битилган суғдий алифбе (Лившиц В.А. *Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. СПб.: 2008. С. 299*)

⁴⁴ Pandey, 2017: 5.

Суғдий ёзувнинг график шакллари орамий ёзув чизма шакллари билан солиштирган ҳолда таҳлил қилиш ушбу масалага янада ойдинлик киритиши мумкин. Манбалардаги суғдий ҳарфлар куйидагилар:


Суғдий  – *aleph* (*a*, *ā*) ҳарфи алифбедаги **биринчи** ҳарф ҳисобланиб, у қадим  шаклига яқин ҳолатда ёзилади. Ҳарфнинг иккала ҳолатдаги шакли орамийча ,  *алеф* ҳарфига ўхшаш. Ушбу ҳарфнинг орамий шакли финикия алифбесидаги айни ҳарф ()дан ўсиб чиққан. Аслида ҳарфнинг асосий график хусусияти “икки шохли” шаклда бўлгани билан фарқланиб, у “буқа калласи” – ,  ҳарф белсининг даврий градациясидаги ўзгаришлар натижасида шакланган. Орамий ёзув шаклланишига замин бўлган финикия ёзувидага *алеф* учун ҳам “буқа” тимсолининг асос қилиб олингани буни тасдиқлайди. Ушбу ҳарфнинг , , , , ,  каби шаклий ўзгаришлари ҳам фанга маълум. Орамий ёзув асосидаги парфиёний ёзувда ҳам ушбу ҳарф ўз ўтмишдошларига яқин ҳолатда ишлатилган. Мил. авв. I асрга оид қадимги Нисо (Марв) шаҳар харобасидан топилган парфиёний ҳужжатлардаги *алеф* ҳам “икки шохли” шаклда  эканлиги кўзга ташланади⁴⁵. Паҳлавийчадаги айни ҳарф ҳам “икки шохли” кўринишда  бўлиб, унга қўшимча равиш чап томонга ҳарфнинг “дум” қисми тортилганини кўрамыз⁴⁶.

Таъкидлаш лозимки, нумизматик материалларда, жумладан, *хоқон* унвонидаги тангаларда *āleph* ҳарфининг ўз хусусиятлари мавжуд. Жумланинг биринчи бўғинида *āleph* вертикал шаклда  келтирилган бўлиб, *nīn* ҳарфига жуда ўхшаш. Иккинчи бўғинда эса жумланинг бошқа

⁴⁵ Дьяконов, Лившиц, 1960: приложения.

⁴⁶ Pandey, 2017: 3.

ўринлардаги каби стандарт **ⲗ** шаклда ёзилган. Ушбу хусусият Ғарбий турк хоқонлари томонидан зарб қилинган *хоқон* унвонидаги барча тангалар учун хос⁴⁷. Таъкидлаш лозимки, илк ўрта асрлар Бухоро воҳаси тангаларида келтирилган *āleph* ўзининг камон учига ўхшаш геометрик шаклга (**ⲗ**) эга эканлиги (Қаранг: Илова №4) билан ажралиб туради⁴⁸;






aleph ҳарфининг график шакллари (СБХ)⁴⁹


Суғдий алифбедаги **иккинчи** ҳарф *бет* – **ⲑ** β ($\beta =$) *f* ва унинг ўтмишдошлари орамийча **ⲑ**, **Ⲓ** ва орамийча **ⲑ** (*b*)дан бироз фарқли. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Мазкур ҳарф дастлаб қадимги мисрликларда **ⲑ** – “қуёш” шаклида ифода этилган. Бир муддат ушбу ҳарф “ярим қуёш” шаклида – **ⲑ**, **ⲑ** ҳам тасвирланган. Қадимий шарқ халқлари мазкур ҳарфнинг юқоридаги каби шакллари ҳам

⁴⁷ Бабаяров, Кубатин, 2012: 14.







⁴⁸ Лившиц, Кауфман, Дьяконов, 1954: 150 – 163.

⁴⁹ Суғдий ҳарфлар ва тиниш белгиларга илова қилинган сураатлар ушбу китобдан “Pandey, A. Revised proposal to encode the Sogdian script in Unicode. January 25, 2017. pandey@umich.edu” олинган. Шу боис муаллифлар Аншуман Пандейга ўз миннатдорчиликларини билдиришади – И.М., Ғ.Б.


бўлганлиги маълум. Финикияликларда эса ҳарф “уй”га қиёсланиб, унинг айлана қисмига ўнг томондан пастга қаратиб “дум” қўшилган ҳолда тасвирлаш орқали (9) ифодаланган. Орабийчада ҳам ушбу шакл сақлаб қолинган. Суғдий ёзувда эса ҳарфнинг қадимги шакллари асос қилинган. Яъни, “қуёш” шаклининг пастки ярим қисми сақланиб, унга қўшилган “дум” қисми пастги ўнг томонга қаратиб бироз тортилганини кузатиш мумкин. Қадим суғдийчадаги  *beth* (β) ҳарфида ҳам буни кўриш мумкин. Ҳарфнинг ,  каби ҳолатларда ҳам акс этганлиги манбаларда намоён бўлади;



beth ҳарфининг график шакллари (СБХ)

Алифбедаги **учинчи** ҳарф –  *гимел* (ғайн) дастлабки (финикия) шаклида “туя”нинг фақат “бўйин” қисми  шакли орқали ифода этилган. Орабийчасида ушбу ҳарф айна шаклда  сақлаб қолинган. Фақатгина ҳарфнинг узун таёқчадан чап томонга қайрилган қисмигина кескин қайтгани билан финикийча шаклидан бироз фарқ қилади. Суғдий ёзувда эса ҳарфнинг гарфик шаклини янада аниқроқ ифода этиш мақсадида унга чап топондан яна бир қўшимча чизиқ қўшилган ҳолда ,  ёки чап томонга бурилган кўринишда  акс эттиришган. Ушбу ҳарфнинг

бир-бирига ўхшаш сўз боши **М**, сўз ўртаси **М** ва сўз охири **М** шакллари ҳам мавжуд бўлиб, уларда ҳам ҳарфнинг муҳим график хусусияти ўтмишдошлари каби тўлқинсимон шаклда эканлигида намоён бўлади. Кузатишлардан маълум бўладики, суғдий ёзувда *гимел* ҳарфини тўғри талқин қилиш учун унинг сурёний ва моний шаклларини таққослаган ҳолда талқин қилиш ҳарфни тўғри аниқлаш имконини беради;











гимел ҳарфининг график шакллари (СБХ)



гимел ҳарфи (**سە ملىن** *sy-wdyk*)нинг график шакли (Муғ архиви А-16)

Тўртинчи ҳарф *далет* **У** (*d*) (суғдий матнларда орамийча (**А**) сўз шаклда ёзилиб, суғдча муқобили шаклида ўқиладиган гетерограммаларда ишлатилади. Чунки суғдий тилда қадимги эроний жарангли *d* сирғалувчи жарангли *δ* ва жарангсиз *ϑ* товушларига айланган. Ҳарфнинг қадим суғдий шакли **У** суғдий курсив

шаклига яқин ҳолатда тасвирланади. Ҳарфнинг финикийча шакли  “эшик” маъносини ифодаш учун ишлатилган. Яъни, қадимги финикияликлар мисрликлар каби ғор оғзига қўйилган “эшик” шакли орқали айна ҳарфни тасвирлашган. Ҳарфнинг орамейча ва суғдийча шаклларида ҳарфнинг тарихий шакли ислоҳ қилиниб, пастга тортилган “дум” қисми ва учбурчакнинг “юқори” чап қисмидаги чизикни олиб ташлаш орқали уни фарқлашган. Суғдий ёзма ёдгорликларда ушбу ҳарфнинг айрим ўзгарган шакллари ,  ҳам кўзга ташланадики, уларда ҳам финикийча “учбарчак” шаклининг чап томон чизиғи (девори)нинг юқорига қаратиб тортилгани ҳолда тасвирланган. Ушбу ҳарф аксарият ҳолларда фақатгина идеограммаларни ифодалашда ишлатилади. Н.Сим-Вильямснинг келтиришича, *далет* фақат идеограммаларда учрайди. Лекин В.А.Лившиц тадқиқотлари натижасида ушбу ҳарф график шаклининг бошқа манбаларда бир неча ўринларда учраши аниқланган эди⁵⁰;

Алифбедаги **бешинчи** ҳарф  – *he* ҳарфи учун суғдий матнларда махсус вазифа йўқ. Ушбу ҳарф гетерограммаларда сомиё орамейча сўз бирликларида учраши мумкин. Ҳарфнинг  шакли ҳам амалиётда маълум. Қадим суғдийда ушбу ҳарф курсив шаклдан  бошқачароқ, яъни, чап томонга қаратиб тасвирлангани билан фарқланади. Ҳарфнинг орамейча шакли  бироз қисқа, чап томонга қиялаб ёзилганлиги ҳамда пастдаги “думи” йўқлиги билан фарқланади. Финикия ёзувида ушбу ҳарфнинг график шакли  – бир тик чизикнинг чап томонига учта горизонтал чизикча юқоридан пастга кетма-кет туташтирилган ҳолда ёзилган. Юқорида *he* ҳарфига суғдийда вазифа йўқ деган эдик. Аммо бу ҳарф

⁵⁰ Лившиц, 1965: 6 – 7.

суғдий матнларда сатр охирида бўш қолган жойни тўлдириш ва, энг муҳими, суғдий грамматик муаннас (аёллик) маъносини ифодалашга хизмат қилган. Масалан, Муғ тоғи архивидаги Nov 3, Nov 5, A-5 рақамли ҳужжатларда бу билан боғлиқ ҳолатни учратиш мумкин⁵¹. Ҳужжатда келтирилишича, *-unc* сўзи ёшга нисбатан аёл кишининг вояга етган босқичини кўзда тутди⁵². Турмуш қурган босқичдаги аёл суғдий манбаларда *vadu(h)* [вадух] деб кўрсатилган⁵³. Бу сўздаги *-δ-* олд қатор тиш оралиғи сирғалувчи товушдир. Бу товуш ҳозирги эроний тилларда *-d-* товушига мос келади. Сўз охиридаги *-h* грамматик аёллик жинсига ишорат қилади⁵⁴. Суғдий ёзма ёдгорликларда ҳарфнинг *𐭠*, *𐭡*, *𐭢* шакллари ҳам маълум.

1978 йилги Панжикент қазишмалари даврида ибодатхона (I)нинг (X объект) 10-хонасидан сопол парчасига сиёҳда ёзилган VIII асрнинг биринчи ярмига оид ёзув намуналари (айни объектдан суякка ёзилган 11 та ёзув намуналари ҳам топилган эди) топилган. Яна 7 та ўқилмаган суғдий ёзув намуналари топилганлиги хабар берилади⁵⁵. Ибодатхона харобаларидан топилган сополдаги ёзувлардан бирини (шахс исми) В.А.Лившиц *βysH* (эроний **bai-s-* «кўркиш», «қийноқ» сўзларидан келиб чиққан) дея талқин этади. П.Б.Лурье эса *H* ҳарфига асосланиб, жумладаги исми аёл исми деб ҳисоблаб, ғарбий-эроний *Vēs* исми билан алоқадорлигини илгари суради. Ушбу сўз қадимги эроний **vaisa-* «хизматкор (аёл)» сўзи орқали аёллик жинсига бориб тақалади ва парфиёний ҳамда аршакийлар даврига оид *Vēs-u Rāmin*

⁵¹ СДГМ II, 1962: 21, 23, 181; Gharib, 1995: 87.


⁵² Исҳоқов, Ғойибов, 2019: 9 – 12.

⁵³ Исҳоқов, 1992: 45.

⁵⁴ Gershevitch, 1954: 73 – 79.

⁵⁵ Лившиц, 1982: 131 – 141.

достонининг бош қаҳрамони номи эканлиги маълум бўлади⁵⁶. Бу ҳолат яна бир бор *-h* ҳарфининг асосан сўзларнинг якунида учраши ва аёллик жинсини ифодалаш учун ишлатилганини кўрсатади⁵⁷;



he ҳарфининг график шакллари (СБХ)


Алифбедаги **олгинчи** ҳарф **9** – *вау* ҳарфи (*vāu*) товушидан ташқари *и - ī*; *о - ō* товушларини ифодалаб келгани тадқиқотлар орқали маълум. Суғдий алифбедаги бошқа ҳарфлардан фарқли ўлароқ ушбу ҳарфнинг сўз бош **ⲑ**, ўрта **Ⲓ** ва якунида **9** учрайдиган шаклларида ташқари **ⲑ**, **Ⲓ**, **ⲓ**, **Ⲕ**, **ⲕ**, **Ⲍ**, **ⲍ**, **Ⲏ** каби график кўринишлари ҳам мавжуд⁵⁸. Ҳарфнинг ушбу шаклларида унинг “дум”сиз, ўнг томонга қаратилган, ҳарф ясовчи ўрама чизикнинг якунига етмаган, ўнг ва сўл томонга сал қиялаб ёзилган ҳолатлардаги шакллари кўзга ташланади. Финикия ёзувида “мих” – **𐤎** шаклидаги ушбу ҳарф орамийлар томонидан **Ⲏ** шаклда ишлатилиб, қадим суғдийчада ҳарфнинг пастки чизиғи олиб ташланган ва унинг тепа қисмидаги ярим ёйсимон шакли чап томонга тўнқарилган

⁵⁶ Лурье, 2008: 213 – 225.

⁵⁷ Луҗе, 2008: 232 – 241.

⁵⁸ Исхаков, 2008: 63

◌ ҳолда ёзилган. Парфиёний *вав* ҳарфи орамийча каби чап томонга оғдириб ёзилган ҳолат ◌ (“вергул” – нукта ва унга уланган “дум” шакли)да акс этган⁵⁹. Суғдий алифбеда эса доирага ўнг томондан пастга туширилган “дум” кўшиб ёзилган ҳолатда 9 ишлатилган. *вав* ҳарфининг турли график шакллари унинг орамийча ва финикийчага яқин ҳолатда ёзилган вариантлари ҳам мавжуд. Баъзан *алеф* ҳарфига ўхшаб ёзилиши унинг чалкаштирувчи жиҳати ҳисобланади;




вав ҳарфининг график шакллари (СБХ)

Еттинчи суғдий алифбедаги ◌ – *zain* ҳарфи бири-бирига ўхшаб кетса ҳамки мустақил ҳолатидан бир мунча фарқланадиган сўз боши ва сўзнинг ўрта ҳамда якунида учрайдиган уч хил ◌, ◌, ◌ шакли мавжуд. Ҳар учала ҳолат ҳам *z* товушини ифодалаш учун ишлатилган. *зайн* ҳарфининг суғдий ёзма манбаларда қуйидаги шакллари 𐰇, 𐰈, 𐰉, учраганлиги маълум. Финикия алифбесида “курол” (𐤆) маъносини ифодалаган. Ушбу ҳарф орамийчада ҳам айна шаклда 𐤆 ёзилган. Суғдий ёзувнинг қадимий шаклида эса ўзининг ўтмишдошларида бироз фарқли, яъни ҳарфнинг тепа қисмида чизиғи йўқолиб,

⁵⁹ Дьяконов, Лившиц, 1960: приложения.

пастдагисининг чап томондагиси сақлаб қолинган ҳолатда **𐎠** ёзилган. Суғдий курсив алифбеда эса ҳарфнинг юқори ва пастки чизиклари унинг пастки икки ён томонига кўшилган ҳолатда **𐎠**, **𐎡** ёки чизиклар туширилган ҳолатда ҳам ёзилганлиги **𐎠**, **𐎡**, маълум бўлади. Орамий ёзув асосидаги парфиёний ёзувда ҳам *zain* **𐎠** ҳарфнинг юқори ва пастки чизикларсиз, чап томонга қиялаб ёзилганлиги уларнинг бир оилага тегишли эканлигидан далолат беради. *z* ҳарфи ташки жиҳатдан *-n-*, *-n* ҳарфларига ўхшаш;




zain ҳарфининг график шакллари (СБХ)






Суғдийлар алифбесининг **саккизинчи** ҳарфи **𐎠** – *hēt* (*хет*) бўлиб, у суғдий матнларда асосан гетерограммаларда учрайди. Алоҳида функцияси бўлмаса-да⁶⁰ сўзнинг бош, ўрта ва якуний шакллари **𐎠**, **𐎡**, **𐎢** матнларда учрайди. Шунингдек, *hēt* ҳарфининг бир неча хил график шакллари **𐎠**, **𐎡**, **𐎢**, **𐎣** ҳам мавжуд. Мазкур шакллар қадимий суғдий ёзувдаги ушбу ҳарфнинг график кўринишига **𐎠** ҳам ўхшаш. Финикийча *hēt* (тўсик (панжара)/ғов – **𐤆**) шаклида ушбу ҳарф орамийчада чап томонга қиялаб ёзилганлиги (**𐎠**) билан айна ҳарфнинг





⁶⁰ Исхаков, 2008: 64.

финикийча шакли (𐤆)дан фарқланади. Қарийб барча ҳолатларда икки ёнбошда турган чизиклар сақланган ҳолда унга қўшимчалар киритиш ва орадаги чизикларнинг ўзгартирилган ҳолда ёзилганлиги ҳарф тарихий ўхшашликларига ишора беради. Орамий ёзувдаги бошқа ёзувларда ҳам ҳарфнинг асосини ташкил этган икки ён бошдаги чизик асос қилиб олинган бўлса ажаб эмас. Чунки парфиёний ёзувда ҳам *hēt* ҳарфи икки чизикнинг қарама-қарши томонга қаратиб бирлаштирилганлигидан ҳосил бўлганлигини **𐤆** кузатиш мумкин. Бунда дастлаб финикия ёзувида акс этган “панжара”нинг икки ён бош чизиклари қолдирилиб, ўрта қисми олиб ташланган ва ихчамлаштирилган. *hēt* ташқи кўринишда жиҳатдан *gēmal* (*gīmel*) ҳарфига ўхшайди. Ҳарфнинг “Кўҳна хатлар”даги шакллари таҳлили натижасида унинг ишончли шакли аниқланган;



het (*xem*) ҳарфининг график шакллари (СБХ)

Алифбеда *tēth* – , ,  ҳарфи **тўққизинчи** ўринда келади⁶¹. Бу ҳарф шомий тиллардаги *ittqi*, яъни тил учи танглай ўртасига кўтарилган ҳолдаги артикуляцияга эга товушни ифодалаган. Бундай товуш суғдий тилда йўқлиги сабабли *ittqi* суғдий матнларда ишлатилмаган. Бирок орамий гетерограммаларда бу ҳарфга эҳтиёж бўлган. Алифбе қаторида анъанавий тарзда сақланган. Унинг юқоридаги каби график шакллари мавжуд. Финикия ёзувидаги *tēth* (юк – ) ва орамийдаги *tēth* –  график жиҳатдан ўхшаш ва ҳар иккала алифбеда ушбу ҳарфни ифодаловчи товуш бўлган. Ҳарфнинг график шаклидаги асос – бу “доира” ҳисобланиб, суғдийчада унинг олдинги (финикия ва орамий) шакларидан фақат айлана қисми сақлаб қолинган ва марказдаги кесишган чизиқнинг фақат биттаси чап томондан ҳарфга бириктирилган ҳолда ишлатилган. Суғдий ёзувда ушбу ҳарфни ифода этувчи *tau* –  ҳарфи мавжуд эканлиги боис мазкур ҳарф ишлатилмаган бўлиши мумкин. Чунки бу ҳарф парфиёний ёзувда ҳам фақат гетерограммаларда учрайди. Бундан ташқари, суғдий ёзувда ушбу икки ҳарфнинг график тузулиши ҳам бир-бирига яқинлиги эътиборга молик. Идеограммалар камайган сари *tēth* ҳарфининг ишлатилиши камай борган ва умуман ишлатилмай кетган⁶²;

Суғдий алифбедаги **ўнинчи** ҳарф  – *йод* (*йой*) бўлиб, *i* ҳамда *y* (й) дан ташқари *алиф* билан кўшилган ҳолда чўзиқ *ī* ҳамда *ē* товушларини ифодалашда ҳам хизмат қилган. Суғдий манбаларда *йод* қуйидаги , ,  шаклларда сўзларда учрашини кузатамиз. Нисо (Марв)дан топилган парфиёний ёзув матнларида *йод* ҳарфининг

⁶¹ Мазкур ҳарф 1965 йилда Панжикент аркида археолог А.Исоков томонидан топилган кўза сиртига ўйиб ёзилган алифбеда келтирилганлиги боис фанда маълум – И.М., Ғ.Б.

⁶² Исхаков, 2008: 64.

куйидаги график шаклларда ҳам тасвирланганини кўриш мумкин. Шу билан бирга суғдий ёзма ёдгорликларда ушбу ҳарфнинг бир неча график кўринишларининг мавжудлиги кўзга ташланади. Қадим суғдий ёзувида ҳам *йод* юқоридаги график шаклларга яқин ҳолатда ишлатилган. Финикия ёзувида *йод* “қўл” билан номланиши орабийчада ҳам айна шу шаклда ишлатилганлиги маълум. Суғдий ёзувдаги ушбу ҳарф ҳам ўзидан олдинги оиладошлари каби ишлатилган. Ҳарфнинг юқори қисмидаги чизиксиз айна чизикнинг ўнг томонга қаратилган ёки чизикнинг ҳарфни кесиб ўтган ҳолатлари уларнинг тарихан бир асосдан вужудга келганидан далолатдир. Қайд этиш лозимки, Ғарбий турк хоқонлиги томонидан зарб қилинган *хоқон* унвонидаги тангаларда *yōdh* айниқса *āleph* ҳарфига жуда ўхшаш (Қаранг: Расм-4) *āleph* - *yōdh*; *āleph* - *yōdh*). *yōdh* ҳарфининг ушбу шакли илк суғдий тангалар ва Шаттал қоятошидаги шу ҳарфнинг архаик шакллариға мос келади⁶³;



Av.
Rv.




Av.
Rv.

Расм-4. “Турк хоқон” унвонидаги Ғарбий турк хоқонлиги тангалари.
Ғ.Бобоёров ва А.Кубатин талқини.

(Бабаяров Ғ., Кубатин А. *Монеты Западно-Тюркского каганата с титулом тюрк-каган // Эпиграфика Востока. XXXI. Москва, 2015. С. 189-201*).

⁶³ Бабаяров, Кубатин, 2015: 195.




йод харфининг график шакллари (СБХ)

Суғдий алифбенинг **ўн биринчи** ҳарфи **ك** – *kāf* бўлиб, унинг вазифаси асосан *k* эканидан ташқари фонологик вазиятларда *g* товушини ҳам билдириши мумкин⁶⁴. Ҳарфнинг сўз боши **ك** ва ўрта ва сўз охиридаги **ك** шакллари ҳам мавжуд. Финикийча “кўл кафти”ни англатиш учун ишлатилган график шакл – **ك** “к” деб талқин қилинган бўлса, орабийчасига ҳарфнинг тик ўзак чизиғи | га чап томон юқорисига > ёки > шаклини тақаб, **ك** ҳарфи ҳосил қилинган. Ҳозирги лотин ҳамда кирил алифбеларидаги “К” ҳарфи айна шу, **ك** “к” ҳарфининг чап ёнидаги “шоҳча”си ҳарфнинг ўзаги бўлмиш вертикал “таёкча”нинг (|) ўнг томонига ўтказилган кўриниши холос. Маҳаллий парфиёний, хоразмий, суғдий босқичларда > (>) элементининг бир шоҳчаси йўқолиб, ҳарфнинг парфиёний қадим шакли **ك**, ва унинг курсивга яқин **ك** шакли пайдо бўлган. Ушбу ҳарф *k* ва унинг фонологик позицион аллофонлари *g*, *x* (*zanaka*, *zang*), товушларини ҳам ифодалаган. Шу ҳарфнинг суғдий ёзма ёдгорликлардаги бир неча график кўринишлари мавжуд: **ك**, **ك**, **ك**, **ك**, **ك**, **ك**, **ك**. Улар ҳам ўзининг ўзгариш динамикасида лапидар шаклдан курсив вариантлар томон ривожланиб келган.

⁶⁴ Лившиц, Хромов, 1981: 394 – 395.


Қизиғи шундаки, ҳозирги кирил ва лотин хатбоши “К” ҳарфининг кўлёма шакли юқори қисмидаги тўлқинли ёки илгаксимон бошлов чизиқчаси ўша қадимий чап томон бошлов элементининг қолдиғидир.



каф ҳарфининг график шакллари (СБХ)

Ўн иккинчи ҳарф суғдий ёзувда λ – ламед (лом) бўлиб, унинг сўз олди λ , ўрта λ ва яқун λ идаги шакллари учрайди. Шунингдек, ламед ҳарфининг мустақил ҳолатда ҳам алоҳида график шаклларини λ , λ суғдий манбаларда учратиш мумкин. Ушбу ҳарф қадим суғдий матнларда ҳам айна шаклда λ ёзилган. ламед ҳарфининг куйида тугалловчи чизиғи суғдий ёзувда сўл томонга қаратилган бўлса, орамий ёзувда ўнгга қаратиб қисқа шаклда λ ва финикия ёзувида узунроқ кўринишдаги λ график ҳолатда акс эттирилган. Ҳарфнинг парфиёнийчасида иккала ҳолат λ , λ ҳам кузатилади. Яъни, тугал қисми ҳам ўнг, ҳам сўл томонга қаратилган вариантларда. Суғдий ёзувдаги асосий ўзгариш ламед ҳарфининг куйи қисми чапга бурилганидир. Чунки суғдий ёзувда курсивлик йўналиш

яхши ривожланган⁶⁵. Арабий ёзув бу анъанани ўзида аниқ давом эттирган ва бугун биз арабий ل, форсий лам ҳарфини ل шаклда биламиз. ламед ҳарфи бугунги кунга қадар лотин графикаси асосида ривожланган кўплаб алифбеларда айна финикийча вариант асосида, тугалловчи қуйи қисми ўнгга қараган L ҳолида давом этган.




ламед (лом) ҳарфининг график шакллари курсив вариантлари

Алифбедаги **ўн учинчи** ҳарф **ل** – *мим* ҳарфи бўлиб, у шаклан орабийча аждодидан бироз узоқлашган (орамийча *мём* – ل ҳарфи чап томон юқори қисми тўлқинли чизикдан бошланган). Ҳарфнинг **ل**, **ل**, **ل** шакллари ҳужжатларда сўзнинг бош, ўрта ва охирида учраши билан маълум. Унинг шакллантирувчи икки асосий чизиғи – бири ўнгдан чапга қиялама қилиб ёйсимон чизилса, иккинчиси биринчи чизикнинг бошланиш нуқтасидан кўра сал пастдан уни кесиб ўтувчи иккинчи ёйсимон чизикдан иборат ҳолда экани кўзга ташланади. Аммо иккинчи ёйсимон тугалланиш нуқтасида биринчи билан кесишмайдиган шакл билан бир қаторда унга туташиб тўхтайдиган вариант ҳам бор. Бу шакл араб ёзувидаги *мим* нинг “тугунча” бош элементини эслатади. Ҳарфнинг қадимий шакли **ل** (*т*) ҳам илк ўрта асрлар давридаги курсив вариантдан график жиҳатдан унча катта фарқланмайди.

⁶⁵ Лившиц, 2006: 365 – 370.

Баъзан *мим* ҳарфи **𐭪** – *tau (tau)*га ҳам ўхшаб кетади. Бу икки ҳарфнинг фарқи *мим* да кесишувчи нуқтада иккита “шоҳча” мавжуд бўлади. *tau* да эса ўнг томондаги “ёйча” биринчи чизикнинг ўзидан бошланади, “шоҳча” эса битта бўлади. *Мим* ҳарфининг товуш ифодаси битта, бу ҳам бўлса *m* (*m*). Ушбу ҳарф суғдий сўзларда ҳам, гетерограммаларда ҳам бирдек ишлатилади⁶⁶. Суғдий ҳужжатларда *мим* **𐭪**, **𐭫**, **𐭬**, **𐭭** шаклларда ҳам учрайди. Ҳарфнинг парфиёний шакли **𐭮** ҳам суғдий айна ҳарфга ўхшаш бўлиб, фақатгина чап топонга оғдириб ёзилганлиги билан фарқланган;




мим ҳарфининг график шакллари (СБХ)

Суғд алифбесидagi ўн тўртинчи ҳарф **𐭪** – *нун (n)* ҳисобланади. Ҳарфнинг юқорида кўрсатилган мустақил ҳолатидан ташқари сўзларнинг бош **𐭪** ва ўрта **𐭫** қисмларида келадиган шакллари ҳам мавжуд. Тузулишига кўра, *нун* ҳарфи *зайн* (**𐭬**) ҳарфига ҳам ўхшаб кетади. Суғдий манбаларда *нун* ҳарфининг бош қисмининг ўнгга






⁶⁶ Gershevitch, 1954: 6 – 15.


қаратиб ёзилган **𐤁**, *алеф* ҳарфига ўхшаш **𐤀**, ҳарфнинг юқори “шоҳ” қисмининг чапга қаратиб ёзилган узунчоқ **𐤀**, ҳарф ўрта шакли чап томон “дум” қисмининг юқорига қараб чўзилган ҳолатдаги **𐤀** график шакллари ҳам маълум. Финикияликлар қадимги яҳудийлар каби “балик”ни ифодалаш учун *нун* – **𐤅** ҳарфини ёзишган бўлса, орабийлар эса айна ҳарфни узунчоқ шаклда чап томонга қаратиб тўлқинлатган ҳолда **ن** ёзишган. Парфиёний ёзувда ҳам *нун **𐤅**, **𐤆** орабийчага яқин ҳолатда ёзилган. Парфиёнийда юқори чап томондаги тўлқинсимон шакл йўқ. Суғдий ёзувнинг қадимий алифбе тизимида эса ушбу ҳарф **𐰇** шаклда “дум”и пастга қаратиб ёзилган кўринишда акс этган. Суғдийлар эса ҳарфнинг чизиқларини баъзида пастдан икки томонга қаратиб ёки чап томондан ўнгга қаратиб ёзишган. Ҳарфнинг “туғун” қисми *зайн*га ўхшашлиги уни фарқлашни қийинлаштиради;*



нун (*n*) ҳарфининг график шакллари (СБХ)

Алифбедаги **ўн бешинчи** ҳарф **𐰇** – *самех* (*sīn*) ҳарфи ҳам аждод орабийча “дабл ю” (*w*) га ўхшаш шаклидан узоқлашган. *š*, *γ*, *x* ҳарфларини ифодалайди. Товуш

ифодаси асосан *s* ва унинг аллофонлари ҳисобланади. Ушбу ҳарфнинг бош, ўрта ва якуний шакллари суғдий ёзма ёдгорликларда куйидаги шаклларда намоён бўлади: . Шунингдек, *самех* ҳарфнинг бироз фаркли шакллари  ҳам манбалардан маълум. Ҳарфнинг қадим шакли  ҳам унинг курсив шаклига яқин ҳолатдаги тасвирга эга. Ҳарфнинг аجدодлари ҳисобланган финикий (“сарлавҳа” шаклидаги  ушбу белги сатр қаторларини англлатган) ва орамийча (қисқа “сатр”ларда акс эттиришган – ) шаклларида суғдий курсив анчайин фарқланади. Афтидан ушбу шакллари график жиҳатдан анчайин қийин ёзилгани боис суғдийлар ушбу ҳарфни ислоҳ қилган ҳолда ўз алифбеларига киритишган;









самех (*sīn*) ҳарфининг график шакллари (СБХ)

⊙ – *аъйн* ҳарфи суғдий алифбеда **ўн олтинчи** ҳарф ҳисобланади. М.Исҳоқов фикрига кўра, бу товуш сомиё (шом) араб дунёсига хос бўлиб, Марказий Осиё минтақаси халқлари, жумладан, тарихий суғдий тилда ҳам ушбу ҳарф бўлмаган. Суғдий матнларда фақат гетерограммаларда учрайди⁶⁷. “Кўхна хатлар”да ҳам ‘D, гетерограммаси таркибида ишлатилган⁶⁸. Суғдий


⁶⁷ Исҳоқов, 2008: 48 – 58.

⁶⁸ Henning, 1948: 3 – 4.


котибият тажрибаси алфавитда бу ҳарф борлигини билган ва ёзув машқида ўқувчиларга ўргатилган. Турфондан топилган суғдий ёзма ёдгорликларда ушбу артикуляциянинг ,  шакллари мавжудлиги қайд этилган⁶⁹. Ушбу ҳарф финикия ёзувида “доира” (кўз) шаклида  тасвирланган бўлиб, орамийлар ҳам ўз алифбесига ушбу шаклни  айна ҳарф учун сақлаб қолишган. Афтидан суғдий хаттотлар ушбу ҳарфнинг мавжудлиги билган ва унинг “доира”, “кўз” белгиси шакли қайта ишлаб, уни икки маротаба ўрам айлантириш орқали ҳарф шаклига келтиришган. Дарвоқе араб тилида ҳозирда ҳам “кўз” عيون шаклида ифодаланади;



аъён ҳарфининг график шакллари (СБХ)




аъён ҳарфининг график кўриниши (Dhuta sutra)

Суғдий алифбенинг **ўн еттинчи** ҳарфи  – *pe (ne)* бўлиб, *p / b* баъзан вазиятига кўра *f* ундош товушини ифодалаш учун ишлатилган. Ушбу ўринда ҳарфнинг сўз охиридаги вариантларидан бири кўрсатилган. Сўз

⁶⁹ Pandey, 2017: 17.


бошидаги шаклида **Ბ** тугаш чизиғи кейинги ҳарфга хат чизиғи бўйлаб уланади. Сўз ўрта шакли эса тиниқ ёзилган пайтда аввалги ва кейинги ҳарфларга доирача бўлиб уланади. Финикийча “оғиз” шакли асос қилиб олинган *ne* – **Ბ** ҳарфини орамийлар қарийб ўзгартирмаган ҳолда **Ბ** ишлатишган. Қадим суғдий алифбеда ҳам ҳарфнинг график шакли унчалик катта фарқланмайди. Яъни, ҳарфнинг юқори қисмида айлана шаклидаги ўрам ҳосил қилиниб, унга ўнг томондан “дум” улаш орқали тарихий шаклига яқин кўриниши **Ბ** сақлаб қолинган. Ҳарфнинг парфиёний шаклида эса ҳарф чап ён томонга **Ბ** қийшайтириб ёзилган. Суғдий ёзма ёдгорликлар *ne* ҳарфининг унинг тарихий аждодларига ўхшаш бир неча хил шаклларда ёзилган вариантлари **Ბ**, **Ბ**, **Ბ**, **Ბ**, **Ბ**, **Ბ**, **Ბ** мавжуд;



ne (*ne*) ҳарфининг график шакллари (СБХ)







Ўн саккизинчи суғдий алифбе тизимидаги ҳарф **Ბ** – *tsadde* (*č, j*) бўлиб, ҳарф ўзининг ўтмишдошларидан шаклан биров ўзгарган. **Ბ** ҳарфининг бу кўриниши сўз охири вариантларидан бири. Мустақил ҳолда ушбу ҳарф **Ბ**, **Ბ**, **Ბ**, **Ბ** шаклларда ҳам учрайди. Сўз охирида тугалланиш “дум” қисми тепага эмас, горизонтал ёки қиялама шаклда ҳам бўлиши мумкин. Сўз боши **Ბ** ва ўрта **Ბ** шаклларида


ушбу ҳарф алиф ҳарфига ўхшаб кетади. Бу жиҳатлар ҳарфни талқин қилишда мураккабликлар келтириб чиқаради. Финикия ёзувида *цадде* – **𐤀** ҳарфи “ўрок” маъносини англатиш учун ишлатилиб, бу орабийчада **آ** ўнг томондаги тўлқинсимон чизиқлари юқорига қараганлиги билан финикия вариантдан фарқланади. Ҳарфнинг қадим шакли **𐤀** олдингиларидан биров фарқланади. Унда ҳам ҳарфнинг ўроқсимон шакли сақлаб қолинган ва ўнгги қаратилган гажжак мавжуд. Ҳарфнинг ўнгга қараган ва пастга уланган қисми думалок доира билан бир-бирига бириктирилган. Бу ҳарф суғдий ёзувдаги **𐭑** – *вау* ҳарфидан юқори ўнг томондаги чизиғи билан фарқланади. Ҳарфлар қоришиб кетгандай бўлиб, баъзи ҳолатларда уларни фарқлаш қийин. Парфиёний ёзувда *тсадде* (*č, j*) учун махсус график шакл – ҳарф ажратилмаган.



тсадде (*č, j*) ҳарфининг график шакллари (СБХ)

Таъкидлаш лозимки, Муғ архиви ва Турфон ҳужжатларида келтирилган ҳарфларининг бир-биридан фарқлари мавжуд. Масалан, суғдий-буддавий матнларда барча

харфларнинг бош, ўрта ва якуний график шакллари мавжуд. Муғ архиви эса бундан мустасно. Ҳарфларнинг ишлатилиши фарқлар кўзга ташланади. Масалан, Панжикент ҳукмдори Деваштичга Партан ҳукмдори Ревахшйан номидан жўнатилган Муғ тоғи суғдий Nov. 2. ҳужжатининг иккинчи қаторида Девāштйч –  исмининг охириги  (ё) ҳарфининг⁷⁰ “дум” қисми пастга қаратилгани ҳолда, суғдий-буддавий матнларида келтирилган айни ҳарфнинг “дум” қисми юқорига қаратилган ҳолда  ёзилганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, суғдий-буддавий ҳужжатларда ушбу ҳарфнинг бош  ва ўрта  шакл вариантлари бўлганлиги аниқ кўрсатилган. Худди шу ҳарфнинг “дум” қисмини юқорига қаратган ҳолда акс эттириш ҳолатини  tau (t) ҳарфида ҳам кузатиш мумкин⁷¹;

Суғдий ёзувда **ўн тўққизинчи** ҳарф сифатида қайд этилган *қоф* суғдий ёзма ёдгорликларда фақатгина “Кўхна хатлар”да учраган ва бу ҳарф мазкур мактубда абжад ҳисоби бўйича “100” рақами маъносида ифодалаш учун ишлатилган⁷². Лекин орамийча *қоф* дан ўзгача. Шакли *қоф* ҳарфини қўшалок  қилиб ёзилгандек. Биринчи *қоф* катта, иккинчиси кичикроқ ва биринчисининг ўнг томонига ёпиштириб чизилган, “дум”и биринчининг қиялама пастга тортилган чиғига туташган. Суғдий тилда *қоф* га тўғри келадиган товуш бўлмаган. Демак, суғдийлар канъон ва орамий даврларидаёқ ишлаб чиқилган абжадни,

⁷⁰ Лившиц, 2008: 110.


⁷¹ Pandey, 2017: 44.

⁷² Таъкидлаш лозимки, суғдий ёзма ёдгорликларда бир қанча сонлар акс этганлигини аниқланган бўлиб, улар ўз тузулишига кўра ҳарфларга ҳам ўхшаб кетади (суғдий сонларнинг гарфик шакли тўғрисида батафсил қаранг: Илова №1).


яъни, рақамларга юкланган сон ҳисоби маъноларини ҳам билишган. Ҳозирда ҳам кўплаб сонларнинг шаклан ҳарфларга ўхшашини кузатиш мумкин. Масалан, “ноль” (0) сони “о” ёки орамийча *айн* (○), суғдийча ҳарфига, “тўққиз” (9) сонининг суғдий **9** – *вау* ҳарфига ўхшаши каби ҳоллар учрайди. Ёзувнинг тарқалиши жараёнида унинг белги ёки сон кўринишидан ҳарф шаклига ўтиши жараёнида баъзи сонларнинг ҳарф шаклини олиши бошқа ёзув тизимларида ҳам кузатилади. Лекин суғдий ёзувнинг қадим шаклида *қоф* ҳарфи мавжуд эмас;

9 – *resh* (*реш*) ҳарфи суғдий алифбеда **йигирманчи** ҳарф ҳисобланади. Суғдий ёзма манбаларда ҳарфнинг сўз боши (**9**), ўрта (**9**) ва охириги ўринлардаги (**9**) график кўринишлари мавжудлиги аниқланган. Нисо (Марв)дан топилган парфиёний ёзувда ҳам *resh* (*реш*) суғдий шаклдаги кўринишга яқин шаклда **9** ёзилганлигини кузатиш мумкин. Баъзи ҳолатларда бўяб ёзилганлиги боис *resh* (*реш*) ҳарфи *аъйн* ва *далетга* **9** (*d*) ҳам ўхшаб кетади. Эслаб қолиш учун ҳарфнинг кирилча “у” ҳарфига ўхшашини таъкидлаш лозим. Ҳарфнинг мустақил шакллари **9**, **9** билан бир қаторда юқори чизигининг тўлқинсимон шаклдаги **9**, **9** ва бошқа ҳарфларга уланган ҳолатдаги кўринишлари **9**, **9** ҳам маълум. Ҳарфнинг қадим шаклида *resh* “дум”и тепага кўтарилган (**9**) шаклда ҳам учрайди. Ҳарф орамий **9** ва финикия ёзувидаги айни ҳарфдан **9** шаклан бироз фарқланади. Суғдийда айни ҳарф финикия ва орамий ёзувларида вариантдан ҳарфнинг юқори чизиги олиб ташланган ҳолда ёзилганлиги билан ажралиб туради. Стандарт ўлчами жиҳатдан бир-биридан фарқли бўлишига қарамай *хоқон* унвонидаги Ғарбий турк хоқонлиги тангаларида *rēš* ва *kāph* шаклан жуда ўхшаш

ҳолатда акс этган⁷³. Ушбу ўринда *kāph* ва *rēš* ҳарфлари пастки кўшимча гажжак қўшилгани билан фарқланади (қаранг: *kāph* 𐤀/𐤁/𐤂/𐤃 - *rēš* 𐤄/𐤅/𐤆/𐤇)⁷⁴;



rēš ҳарфи (Дунхаундан топилган суғдий ҳужжат)



resh (*peu*) ҳарфнинг шакллари (СБХ)


Суғдий алифбедаги **йигирма биринчи** ҳарф **𐤄** – *shīn* (*ш*) ҳисобланади. П.Пеллиот томонидан топилган суғдий ёзувли Турфон ҳужжатларида ушбу ҳарфнинг ўрта **𐤄** ва яқуний шакллари **𐤄** ҳам учрайди⁷⁵. Ҳарфнинг қадим шакли **𐤄** курсив шаклидан бироз фарқланиб, унда кўшимча ёйсимон чизиқ қўшилганлигини кўриш мумкин. Ҳарфнинг ушбу шакли “дабл ю” (*w*)га ўхшайди. Чунки *shīn* ҳарфи финикия (**𐤍**) ва орабий (**و**) ёзувда ҳам “дабл ю” (*w*)га ўхшаш кўринишда ёзилган. Финикия ва

⁷³ Суғдий тангалардаги ҳарфларнинг чизма шакллари тўғрисида батафсил қаранг: Илова №2, Илова №3


⁷⁴ Бабаяров, Кубатин, 2015: 196.

⁷⁵ Pandey, 2017: 46.

орамийчада ҳарфни ясаган чизиқлар кескин (тўғри) бурилиб ҳарф ясалган бўлса, суғдий ёзувда чизиқ қирралари бироз юмшоқ қайтган. Ушбу ҳарф суғдий алифбеда *gāin* (гимел)нинг айникса сўз охири шаклига (**𐭪**) анчайин ўхшаш. Бироқ *shīn* ҳарфининг хат чизиғидан пастга тушган синиқ қирраси *gāin* нинг шу унсуридан узунроқ чизилгани билан фарқланади. Парфиёний шаклида **𐭪** эса ҳарфга пастдан кўшимча чизиқ кўшилган ҳамда финикия ва орамий шаклларига ўхшаб ёзилган;




shīn (u) ҳарфининг график шакллари



shīn (u) ҳарфининг график шакллари (СБХ)

𐭪 – *tau (t)* ҳарфи суғдий алифбедаги **йигирма иккинчи** ҳарф саналади. Бу ўринда *tau* нинг сўз охиридаги шаклларида бири, яъни, думи вертикал кўриниши берилган. Курсив хатда *tau* дум қисми горизонтал ёки пастга қиялама қилиб чизилган ҳам бўлади. Сўз боши шакли **𐭪** қиялама чизиққа ўнг томондан ёпиштириб чизилган тугунча кўринишида ёзилган. Ўзидан кейинги ҳарф




билан туташади. Сўз ўртасида ҳам асос шакл **tau** деярли ўзгармайди. Қадимийроқ шаклларда *tau* нинг чизик остидаги доираси тугалланмай ёйсимон ҳолда тўхтайтиди, ҳарфнинг асосий чизигига туташмайди. Буни орабийча ажод шаклдан қолдиқ деб ҳисоблаш мумкин. *tau* ҳарфи финикий ва орабий ёзувда **tau** шаклда учраб, қуйидаги †, ✕, ʃ, ʃ, ʃ шаклларда ўзгариб келган. Манбаларда асосан ʃ, ʃ, ʃ шаклларда учрайди. Тангаларда эса *tau* бироз фарқли кўринишда акс этган. Масалан, *хоқон* унвонли тангаларда бу ҳолат кўзга яққол ташланади. Тангадаги жумланинг иккинчи бўғинида учрайдиган *tau* ҳарфининг палеографик хусусияти унинг пастки қисмига қўшиб ёзилган чизик (●) ҳисобланади⁷⁶. Кўриб чиқилаётган тангадаги жумлада ҳарфларнинг ўхшашлиги кўп жиҳатдан ярим курсив ва айниқса курсивда ҳарфларнинг бир хил услубда ёзилиши билан боғлиқ;




tau (t) ҳарфининг график шакллари (СБХ)

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, суғдий матнларда кам учрасада ўз даврида алифбеда **tau** – *feth* [f] ҳарфи ҳам бўлганлигини тахмин қилиш мумкин. Ушбу ҳарф Муғ тоғи

⁷⁶ Бабаяров, Кубатин, 2015: 196.

архиви ҳужжатларида кўзга ташланмайди. Ҳарф асосан суғдий-буддавий ҳужжатларда (Қаранг: Расм-5) келтирилган. Ҳарфнинг ўрта  ва сўзнинг якунидаги  шакллари ҳам мавжуд. График жиҳатдан ушбу ҳарф суғдий β () ҳарфига ўхшаш. Ҳарфларни уларнинг юқори қисмидаги тўлқинсимон қисми фарқлайди. β ҳарфида битта *f* ҳарфида иккита тўлқинсимон шакл акс этгани уларнинг асосий фарқи ҳисобланади. Финикия ва орамий алифбеда *f* ҳарфи учрамайди.







feth [f] ҳарфнинг график шакллари (СБХ)

Таҳлиллар қуйидагилардан дарак беради:




Суғдий ёзув матнларини улардаги ёзувнинг график шаклига қараб, “қадим” лапидар (ёзув қаторида ҳарфлар уланмайдиган усул) ва “курсив” шаклларга бўлиш мумкин. Иккала шакл ўртасида бир мунча тафовут кўзга ташланади. Айниқса, курсив матнлар ўзининг хуснихат шакллари ва аниқлиги билан бир мунча фарқланади. Шу боис Шарқий Туркистон ва Хитойдан топилган кўплаб суғдий матнлар ўзининг чиройлилиги ва аниқлиги билан Муғ тоғи суғдий ҳужжатларидан фарқланади. Суғдий-буддавий матнларида битилган нафис ёзув матнларини бунга мисол қилиш мумкин;


VIII асрнинг бошларида тахминан 708 – 722 йиллар оралиғида битилган Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари мажмуининг ўзида 20га дастхатлар бўлганлиги соҳа мутахассислари томонидан қайд этилган. Муғ тоғи суғдий

хужжатлари турли шахслар томонидан ёзилган. Матнлар турли ҳудудларда тузилган. Масалан, Афшунга йўлланган ва у йўллаган мактубларни бунга мисол қилиш мумкин. Хужжатлар орасида шошилинич ва тез ёзилганлари ҳам бор. Муғ тоғи суғдий хужжатларида исмлари келтирилган Ваненок, Ромтиш Вғашфарн ўғли, Сийамич Тишич ўғли, Друвасп каби котибларнинг исмлари маълум. Ёки Муғ архивидаги А-9 ва А-14 рақамли хужжатлар Суғддан ташқарида битилганлиги аниқланган. Уларни хаттотлар эмас, балки мактуб муаллифларининг ўзлари ёзган дейишга асос бор. Хужжатларда котибларнинг исмлари бўлмаса-да, хужжат матнлари комил хат-саводли одамларнинг ўзлари томонидан ёзилган ва улар ҳам деярли хаттотлар даражасидаги кишилар бўлган. Бундан ташқари, вазият тақозоси билан Суғддан ташқари битилган хужжатларда ҳам суғдий ёзувнинг каллиграфик шакллари алоҳида кўзга ташланадики, бу Суғд ва унинг атрофидаги аҳолининг юқори саводхонлигидан дарак беради;

Аслида Панжикентдан топилган алифбеда ҳарфлар сони 22 орамий аждод алифбега мос келадиган 22 та ҳарфда кўрсатилган. Шунингдек, алифбе якунида орамий алифбеси қаторидаги 12-ҳарф  – *ломед* 23-ҳарф сифатида жойлаштирилган. Алифбедаги  <*d*>,  <*ayin*>,  <*q*>, *цадде* ҳарфлари аждод орамий ҳарфлари бўлиб, уларга суғдийда мос келувчи товушлар бўлмаган. Бироқ бу ҳарфлар суғдий матнларида орамийча маҳкамачилик даврларидан қолган иероглифларда учрайди⁷⁷. Ёзув шуни кўрсатадики, фақат 19 ҳарф анъанавий равишда ишлатилган ва ёзувнинг график шакллари бу даврда суғд хаттотларининг орамий тилнинг асл шаклларидан хабардор бўлганликларини кўрсатади;

⁷⁷ Лившиц, 2008: 298 – 305.

Суғдий ёзув каллиграфияси ҳақида гап кетганда яна бир масалани эътиборга олиш лозим. Ислом дини каллиграфиясида куръони карим оятларини турли хуснихатлар билан чиройли ва жимжимадор қилиб ёзишга эътибор қаратилгани сингари буддавий, сурёний ва моний диний матнларини ёзишда суғдийлар ҳам бунга ўзгача эътибор қаратишган. Шу жиҳатдан Муғ тоғи суғдий хужжатларида келтирилган ёзувларнинг график шакллари ва суғдий-буддавий, суғдий-моний ва суғдий-христиан матнларидаги ҳарфларнинг график тузулишларида фарқлар сезилади. Баъзи ҳолатларда хаттотлар ҳарфларни кўшиб матн тузганликлари ҳам маълум. Масалан, Муғ тоғи суғдий хужжатларида  – *feth* [f],  – *ayn* ёки  – *lesh* [l] ҳарфлари учрамайди. Хуснихат соҳиблари ушбу ҳарфлардан матнни чиройли қилиб ёзишда фойдаланишган. Шунингдек, ушбу ўринда диний эътиқодий муносабат ёзувни такомиллаштирилишига эҳтиёжни келтириб чиқаргани ҳам эътиборга лойиқ;

Эътиборли жиҳати Панжикентдан топилган суғдий алифбеда (А.Исоқов, 1965) ҳам Муғ архивида учрамайдиган ҳарфлар суғдий ҳарфлар қаторида турибди. Суғд котибияти аслида алифбенинг моҳиятини билган ва суғдий 22 ҳарфли алифбе қаторидаги амалда суғдий матнларда ишлатилмайдиган ҳарфларни ҳам аждод орамий алифбеси тартибига кўра қайд этиб кўрсатган. Муғ тоғи архиви котиблари алифбе тартибида ўша ишлатилмайдиган ҳарфлар тарихан мавжудлигини билса ҳамки, тил хусусиятларига мос келмаган ҳарфларни амалда ишлатишмаган. Аксарият ҳолларда орамий ҳарфларининг вази-фасини суғдий товуш бирликларига хизмат қилдиришган. Масалан,  – *lamed* (*лом*) ҳарфини суғдий тил олди сирғалувчи жарангли δ ([δ]) ва жарангсиз жуфти ϑ (*theta*)

харфи учун ишлатишган ёки **ז** *зайн* харфи учун γ ва x товушларини фарқламаслик каби ҳолатлар фонетик бифункцияни ҳосил қилган. Яъни, бир ҳарф иккинчи вазифани – x товушини ҳам ифодалаган. Мисол учун $\beta\gamma\omega$ – *бага* (“илоҳий”) деганда γ ишлатишган ёки $xw\beta(w)$, $xwt'w$ – *хватав*, *хвабу* (“ҳукмдор”, “ҳоким”) деганда *айн* харф x учун ишлатилган⁷⁸. Шунинг учун ҳам соҳага доир тадқиқотларда суғдий алифбедаги ҳарфлар сони баъзан 21 ёки 23 та эканлиги, баъзида 18-19 ҳарф ҳам матн учун етарли бўлгани қайд этилади;

Қадим суғдий ёзувда ҳам 19 та ҳарф ишлатилган бўлиб, улар суғдий товуш бирликларига мос тушади. Қадим суғдий алифбе намуналари куйидагилар: **א** aleph (a , \bar{a}) < **ב** beth (β) < **ג** gimel (γ) < **ד** daleth (d) < **ה** he (\emptyset , a) < **ו** waw (w , u , \bar{u} , o , \bar{o}) < **ז** zayin (z , \check{z} ; n) < **ח** het (x) < **י** yod (y , i , \bar{i} , e , \bar{e}) < **כ** kaph (k , g) < **ל** lamedh (δ , l) < **מ** mem (m) < **ס** samekh (s) < **פ** pe (p , b , f) < **צ** sadhe (\check{c} , j) < **ר** resh (r ; \emptyset , a) < **ש** shin (\check{s}) < **ת** taw (t , d). Қадим суғдий алифбеда бугунги кунга қадар етиб келган манбаларда *teth* ва *qoph* аниқланмаган. Қадим суғдий ёзувнинг курсив суғдийдан фарқланувчи муҳим жиҳатларидан бири ундан ҳарфларнинг бир-бирига уланмай ёзилишидандир. “Самарқандлик” маъносини берувчи *sm'rkndc* (*смаркандич*) сўзининг қадим ва илк ўрта асрларга хос бўлган икки хил кўринишини, таққослаш учун қаранг: **𐭪𐭫𐭬𐭭𐭮𐭯𐭰𐭱𐭲𐭳** (қадим шакли) ва **𐭪𐭫𐭬𐭭𐭮𐭯𐭰𐭱𐭲𐭳** (илк ўрта асрлар, курсив шакли)⁷⁹. Яна бир муҳим жиҳат. Муғ тоғи суғдий ҳужжатларда, буддавий матнлардаги мукамал курсивликдан фарқли равишда, матндаги ҳарфлар доимо кўшиб

⁷⁸ Баъзи ҳолатларда $\gamma w\beta w$ сўзи учун γ харфи ҳам ишлатилганлигини кўриш мумкин – И.М., Ф.Б.

⁷⁹ Бобоёров, Ғойибов, 2018: 7.

ўзаро улаб ёзилмаган. Яъни, курсивлик талабига риоя қилинмай, сўз таркиби ҳарфлар туташтирилмаган ҳоллар кўп учрайди. Шунинг учун Муғ тоғи ҳужжатларининг айримларидаги ёзув ярим курсив деб баҳоланади;

Муғ архиви ва суғдий-буддавий матнлардаги яна бир фарқли ҳолат ҳарфлар матнда қўшмай ёзилганлигида эди. Суғдшунос В.А.Лившиц томонидан тузилган суғдий глоссарийда ажратиб ёзилган сўзлар дефис билан кўрсатилган. Ёзув матни талқини учун дефиснинг ишлатилиши сўздаги ҳарфларнинг уланмай кетган жойларига нисбатан ишлатилганлиги маълум бўлади. Баъзида сўз тузишда ҳарфларни эркин ишлатиш, қўшиб ёки аксинча алоҳида ёзилганлигини ҳам кўрсатади. Бу каби ҳолат ёзувнинг маълум бир босқичидаги курсивлашув даражасини кўрсатади ёки маҳкамавий ишларда бунга аҳамият беришмаган;

Суғдий алифбе типини консонант (ундош) алфавит деб аташга асос бор. Қолаверса, суғдий матнларда **ⵀ** – алиф (‘), **ⵁ** – вав (v), **ⵂ** – йод (i ва y, (i)) дан ташқари алиф билан қўшилган ҳолда чўзиқ *ī* ҳамда *ē* товушларини ҳам беради. *vau* ҳамда *yod* ҳарфлари ундошлар қаторида ҳисоблансада, унли товушларни ифодалаш учун ҳам хизмат қилиши маълум эди. Унлиларнинг узун-қисқалиги, бурун орқали чиқадиган назал шакллари ва ярим унли каби сифатлари бўйича фонетик қаторда *a – ā* ва буларнинг *ā, ā, ā* сингари аллофонлари; *i-ī; u-ū; o-ō; ə* ярим унли, протетик алиф ва унинг чўзиқ хили кабилар амал қилган. Шу билан бирга чўзиқ унлиларни алиф билан *i* ни *ī* учун, алиф билан *u* ни қўшиб *ū* учун ифодаланган. Чўзиқ *ā* товушини қўшалок алиф билан ҳам ёзиш ҳоллари матнларда жуда кўп учрайди⁸⁰. Аксарият

⁸⁰ Лившиц, Хромов, 1981: 374 – 382.

холларда сўзларнинг ўртасидаги қисқа унли товушлар суғдий ёзувда ишлатилмайди. Масалан, *MLK'* идеограммасининг дастлабки икки ҳарфи орасида қисқа *a* ҳарфи мавжуд бўлиб, у ишлатилмай кетган. Ёки Суғдни 700 – 710 йилларда бошқарган ҳукмдор – *trwyn* – Тархун исмида ҳам қисқа *a* ҳарфи тушириб ишлатилади;

Юқорида келтирилган суғдий ҳарфларнинг шаклан тузилиши ва фонетик ўхшашлиги суғдий ёдгорликларни талқин этишда бир мунча чалкашликларни келтириб чиқаради. Натижада, муайян сўзнинг бир неча хил шакллари вужудга келгани кўзга ташланади. Бунга “суғдий” ёки “Суғд” маъноларини берувчи биргина ушбу сўзни алоҳида ҳарфлар кўринишида ўқиш орқали ҳам гувоҳ бўлиш мумкин⁸¹:



sywḏyk	𐎲𐎠𐎺𐎡	𐎲 samekh	𐎮 gimel	𐎱 waw	𐎠 lamedh	𐎢 yod	𐎡 kaph	
sywḏyk	𐎲𐎠𐎺𐎡	𐎲 samekh	𐎮 gimel	ZWNJ	𐎱 waw	𐎠 lamedh	𐎢 yod	𐎡 kaph
sywḏyk	𐎲𐎠𐎺𐎡	𐎲 samekh	𐎮 gimel	𐎱 waw	𐎠 lamedh	𐎢 yod	ZWNJ	𐎡 kaph

Демак, суғдий ёзув орамидан ажралиб чиққан милоддан олдинги III – II асрлардан бошлаб, милодий V – VI асрларгача ўзининг шаклланиш, фонетик тилга мослашиши, қисқартма шакллардан воз кечди, ярим қиялама ва хуснихат югурик шаклларгача ривож боскичларидан ўтган. Бу жараён умумсуғдий “миллий” ёзув доирасида жиддий вазифавий ва ҳарфий шакллар ўзгаришларини туғдирди. Натижада, суғдий ёзув айни тилга мослашган, ўз имло қоидаларига эга, омма орасида кенг тарқалган ҳолда турли котиблик мактаблари бор ва

⁸¹ Исҳоқов, Ғойибов, 2023: 19.

авом орасида саводхонликни ҳам таъминлаш даражасига етган муҳим маданий ҳодисага айланган. Худди шу жараён тажрибаси асосида суғдийлар моний ва сурёний ёзувларини ҳам юксак даражада ўзлаштирдилар ва нафис хаттотлик даражасигача юксалтирдилар⁸². Моний ва сурёний ёзувлари алифбеларини ҳам ўз тилларига мослаштириш орқали такомилга етказдилар;

Яна бир жиҳат шуки, суғдий-диний матнларда учрайдиган тиниш белгилар Муғ тоғи суғдий ҳужжатларида учрамайди. Хаттотлар турли-туман тиниш белгиларни сўзларнинг мазмун моҳиятига қараб қўйиб боришган. Ушбу белгиларнинг шакллари турлича келтирилган. Улар ясалиш шаклига қараб асосан катта **||**, ўрта **||** ва икки нукта **♦♦** шаклидан ясалган.



Мазкур тиниш белгилар баъзан суғдий сўзлар билан бирлашиб, чаплашган ҳолда келганлиги боис уларнинг ажратиш қийинлашади. Баъзи ҳолатлар икки ёнма-ён вертикал чизиқча ёки икки нукта гапларнинг мантиқий чегарасини белгилаган. Турли хил белгиларнинг матнда учраши ёзувда жумла ва иборалар чегараларини кўрсатган

⁸² Исҳоқов, Ғойибов, 2023: 19.

хамда бу аломат ёзув такомиллашганлигидан далолатдир. Ушбу суғдий тиниш белгилар қуйидагилар:


• – нуқта – суғдий-моний матнларида гапнинг тугалланганлигини англатган;




• – катта нуқта – гаплар ўртасида бўш жойни билдирган;






∴ – вертикал равишдаги икки нуқта – қўшимча тиниш белги ҳисобланиб, сўзлар орасида уларни ажратиб кўрсатиш учун ишлатилган;




❖ – тўрт нуқтали белги – сурёний матнларда учрайдиган ушбу белги катта эҳтимол билан сарлавҳалар боши ва охирида келтирилган;



❖ – беш нуқтали белги ва + – тўрт нуқтали кесишма белгилар матннинг асосий бўлимлари охирини кўрсатиш учун ишлатилади;



⦿ – саккиз нуқтали белги – ушбу эҳтимолий белги ҳам сурёний матнларда алоҳида қисмларни ажратишда хизмат қилган;





▮ – учта вертикал чизик шаклли ушбу белгидан сўнг аксарият ҳолларда янги қатор бошланган.




Дарвоқе, Турфондан топилган ҳужжатлар ва Муғ ҳужжатларида қаторлар орасидаги фарқлар кўзга ташланади. Муғ архивининг айрим ҳужжатларида қаторлар пала-партиш, тартибсиз ҳолатда бўлса, суғдий-буддавий ва бошқа диний-фалсафий мазмундаги ҳужжатларда бунинг аксини кузатиш мумкин. Уларда қаторлар орасининг бирхиллиги, қатор бўйлаб ёзиш ва бошқа хуснихат қоидаларига риоя


килинган. Суғдий матнлардаги бўлимларни ажратиш учун уларнинг якунида битталиқ ○ ва қўш ○○ доира белгиларидан ҳам фойдаланилган;



баъзан қаторлар якунида "̄" шаклли белги қўйилган;



матн якунланганлигини ифодалаш учун баъзида марказида нуқта қўйилган ярим доира ◐ шаклли белги қўйилган (Чилхужрадан топилган ёғочдаги ёзув айни белги билан тугалланган⁸³);




Тиниш белгилар билан бир қаторда диний мазмундаги матнларни чиройли ва жозибадор⁸⁴ кўриниши учун хаттотлар қуйидаги белгилардан ҳам фойдланишган:

⁸³ Лившиц, 2003: 77 – 89.

⁸⁴ Матндаги гулбарглarning баъзан барги ва баъзида гули қизил ёки тўқ сариқ рангда чизилган – И.М., Ф.Б.

уч ёки тўрт баргли ☼ (гулбарглар қизил рангда тасвирланган) белги;




тўрт баргли ☼ (гулбарглар қизил рангда тасвирланган) белги;




ташқи нурлари билан тўрт баргли ☼ белги;




нуқтали тўрт баргли ☼ белги;




нурлари билан уч гулбаргли ☼ белгиси;



Ёзув дукти (йўналиши) бўйича жумла охирини белгилаш учун нуқта давомида учта гулбаргли ушбу тиниш белгиси учрайди: ☼ (гулбарглар қизил рангда тасвирланган);



чапга қараган учта гулбаргли ☸ (гулбарглар қизил рангда тасвирланган) белгилар ҳам матнда акс эттирилган.



Тадқиқот матнидан келтирилган суғдий ҳарфлар, тиниш ва қўшимча белгилар *Vessantara Jātaka*⁸⁵, *Vimalakṛtīnīrdeśha sūtra*, *Dhuta sūtra*⁸⁶, *Budkhā dxyanasamadxiogara sūtra*⁸⁷, *Mastkarak chashant parghun pustak*⁸⁸, *Vajrachhedika prajnaparamita sūtra*⁸⁹, *Maxaparīnirvana sūtra*⁹⁰, *Suvarvapr-*

⁸⁵ Будданинг ҳаёт боскичларидан бириннинг диний-дидактик йўналишдаги баёни (1513 сатр). 1912 йил Р.Готье ва 1946 йил Э.Бенвенист томонидан нашр этилган.

⁸⁶ Мазмунан буддавий-диний ақидалар (297 сатр). Х.Рейхальт томонидан нашр этилган.

⁸⁷ Санскрит тилидан суғдийчага таржима қилинган (405 сатр). Х.Рейхальт ва Э.Бенвенист томонидан нашр этилган.

⁸⁸ Ичкилик ва унинг оқибатлари ҳақида таржималар (31 қатори сақланиб сатр). Х.Рейхальт ва Э.Бенвенист томонидан нашр этилган. Хужжатнинг бир қисми Д.Н.Маккензи томонидан ҳам эълон қилинган.

⁸⁹ “Қутлуғ” номли турк томонидан кўчирилган диний-ахлоқий қоидалар мажмуи (26 сатр). Асосан Х.Рейхальт, Э.Бенвенист ва Д.Н.Маккензи томонидан нашр қилинган.

⁹⁰ Ушбу сутра нашр этилмаган. Фақат О.Хансен томонидан унинг номи аниқланган (59 сатр).

*bxasa*⁹¹, *Amugkhapasa mantra xrdaya sūtra*⁹², *Lankavatara sūtra*⁹³, *Samghāṭa sūtra*, *Prajñā-pāramitā-hṛ daya-sūtra*, *Dargkhavanakha sūtra*⁹⁴, *Anghulimaliya sūtra*⁹⁵, *Bxayshaj-yaghuru-vayduryaprabxatatxaghata sūtra*⁹⁶, *Shukha sūtra*⁹⁷, *Samgha sūtra*⁹⁸, *Avalokiteshvaraoyavatashtashataka*⁹⁹ каби бир қанча диний-фалсафий хужжатлар матнида ўз аксини топгани билан аҳамиятли ҳисобланади.

⁹¹ Бу матн туркий таржимада “Олтин ёрук” номи билан маълум бўлиб, суғдий-буддавий матнларни қиёсий ўрганишда қўл келган (41 сатр). В.Ф.К. Мюллер томонидан 1934 йилда нашр этирилган.

⁹² Матннинг хитойчадан суғдийга таржимаси (201 сатр). 1940 йилда Э.Бенвенист томонидан нашр этилган.

⁹³ Буддавий диний-ахлоқий матн парчаси (314 сатр).

⁹⁴ 88 қатори сақланиб қолган. Р.Готье томонидан 1912 йилда эълон қилинган.

⁹⁵ 26 қатордан иборат қисми сақланиб қолган. Э.Бенвенист томонидан эълон қилинган.

⁹⁶ 197 қатори сақланиб қолган суғдий матн Э.Бенвенист томонидан таржима қилинган. Берлин музейида ушбу сутранинг бир бўлаги борлиги О.Хансен томонидан 1968 йилда суғдий-буддавий матнлар таржимасига бағишланган тадқиқотида эслатиб ўтилган.

⁹⁷ 39 қатордан иборат парчаси 1920 йилда Ф.Розенберг томонидан нашр этилган.

⁹⁸ Суғдий матннинг ўзи уч бўлақдан иборат бўлиб, 1927 йил Ф.Розенберг, 1970 йилда А.Н.Рагоза томонидан нашр этилган. Кейинчалик 1980 йилда А.Н.Рагоза Санкт-Петербург (Ленинград)да сақланаётган матнларнинг ялли нашрига ҳам бу матнни транслитерация, таржима ва факсимел ҳолатда киритган.

⁹⁹ Шеърый мазмундаги суғдий-буддавий матн. 210 қаторда иборат. Унинг қисмлари 1946 йил В.Б.Хеннинг, кейинчалик Э.Бенвенист ва Н.Симс-Виллиамслар томонидан нашр этилган.

Суғдий ёзувда унификацияга интилиш

Суғдийлар Ахамонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида ва ушбу мамлакатда суғдий ёзувнинг аждоди бўлмиш орамий ёзув кенг тарқалган даврлардан буён ёзув маданиятига эга бўлишган. Шу сабабли ҳам улар Суғд устидан ҳукмронлик қилган бошқа халқларга катта маданий таъсир ўтказдилар. Масалан, суғдий ёзувнинг “уйғур ёзуви” номи билан қадимги турк тилидаги ёзма асарларни ифодалашда ишлатилгани бунга далил бўла олади. Суғдий ёзувнинг сўнгги кўриниши бўлган ва “турк”, “уйғур ёзуви” деб аталган ушбу ёзувга кейинчалик мўғул тилидаги ёзма асарларни ифодалашда фойдаланиш мақсадида яна ўзгартиришлар киритилган¹⁰⁰. Шу аснода миллий суғдий ёзув ҳам турли таъсирлар сабаб ўзгаришларга учради.

Миллий суғдий ёзув қадимда ва илк ўрта асрлар давомида Марказий Осиёдан то Мўғулистон ва Хитойгача, Тибетдан Еттисувгача бўлган жуда катта ҳудудда шундай бир маданий, ижтимоий омил бўлдики, натижада ёзувнинг ўзи ҳам кўпгина умумий хусусиятлар, имловий қоидалар касб этди, бир сўз билан унификация томон ривожланди. Бунинг натижаси ўлароқ, суғдий матнларнинг деярли барчасида акс этган ёзув ва ҳарфларнинг график шакллари, умумий ташқи хусусиятларига кўра катта тафовутга эга эмас. Айниқса, котиблар томонидан битилган суғдий-буддавий, суғдий-моний ва суғдий-несториан матнлари хаттотлик санъатининг нодир намунаси ҳисобланади.

¹⁰⁰ Исхаков, 2000: 46 – 57.

Муғ тоғи суғдий хужжатларидаги ҳарфларнинг график шакли ва шу асосда дастхатлар ўртасида фарқлар кўзга ташланади. Бундай тафовутлар асосан ёзув тараққиётининг муайян босқичи, индивидуал дастхат хусусиятлари ҳамда у ёки бу матннинг мақсади ва вазифаси билан боғлиқ ҳолда изоҳланиши мумкин. Масалан, Муғ тоғи архиви Nov. 3, Nov 4 (никоҳ шартномаси) I.1 (Абдурахмон ибн Субҳнинг Деваштичга мактуби) хужжатларидаги каллиграфик гўзал хуснихат ушбу хужжатларнинг тантанавор ва сиёсий-дипломатик мазмуни ҳамда мақсади билан боғлиқ ҳолда изоҳланса, кўпгина кундалик хўжалик иш хужжатларидаги ёзув хуснихат талабларига риоя қилинмаган ҳолда битилгани кўзга ташланади.

Суғдий ёзувнинг маҳаллий шакллари ҳақидаги мулоҳазалар суғдшуносликда XX асрнинг 50-йилларида қўйилган эди. Бухорхудотлар – Араб халифалиги истилоси арафасидаги (VIII асрнинг биринчи чораги) Бухоро хукмдорларининг тангаларида қўлланилган суғдий ёзувидаги айрим белгиларнинг шакли ва мазмунига кўра умумсуғд миллий ёзувининг бир варианты сифатида талқин қилинган¹⁰¹. Суғдий ёзувдаги ҳарфларнинг график хусусиятлари ва палеографияси масалалари кейинчалик М.Исҳоқов томонидан айна масалаларнинг тангаларда акс этиши юзасидан Ғ.Бобоёровлар муҳим илмий натижаларга эришдилар. Лекин шуни эслатиш лозимки, В.А.Шишкин томонидан Варахшада (Бухорхудотларнинг ёзги қароргоҳи) топилган сопол бўлақларидаги суғдий ёзув парчалари одатдагидек Самарқанд ёки миллий суғдий ёзув билан битилган. Бу ҳол эса юқорида алоҳида кўрсатилган Бухоро миллий ёзувининг ишлатиш доираси ниҳоят тор бўлганидан далолат беради. Ёки фақат

¹⁰¹ Лившиц, Кауфман, Дьяконов, 1954: 150 – 163.

Бухорхудотлар ўз номларидан зарб қилинган тангалардагина ушбу ёзувдан фойдаланишган.

Миллий суғдий ёзувдаги умумий унификация жараёни суғдий ёзма ёдгорликларнинг барча турида кўзга ташланади. Аввало, шуниси муҳимки, суғдий ёзув, у қандай материалда бўлмасин – ёдгорликнинг ёзилган вақти билан мутаносиб ҳолда ягона палеографик ривожланиш босқичларидан ўтган. Бу ҳол, ўз навбатида, суғдий ёзувнинг монументал шакллари бўлмаган деган хулосага олиб келади. Масалан, соф монументал мақсадларни кўзда тутган Буғут ёдномасидаги ёзув (580 йилларга оид, Мухан хоқоннинг укаси Махан тегин қабрига қўйилган тош эпитафия), 808-832 йилларга оид Қораболғасун ёдномасидаги суғдий матн ёзуви, Тибетдаги Ладак манзилгоҳида сақланган 841 йилга оид қоятошдаги суғдий ёзув, Еттисув вилояти Талас дарёси воҳийсидаги Тераксой ва Қулонсой дараларидаги қоятошга битилган суғдий ёзувлар монументал ёдгорликлар бўлишига қарамай, палеографик жиҳатдан қўлёзма матнлардаги ёзув хусусиятларини ўзида тўла мужассам этган. Ҳатто Буғут ёдномасида мутахассислар китобий каллиграфия ёки “сутра” суғдий ёзув элементлари билан жиддий яқинлик ва умумийликлар топмоқдаларки, бу ўз навбатида суғдий ёзувнинг юқори такомил босқичи VII-X аср, суғдий-буддавий диний матнларида кузатилган “сутра” ёзуви анъанаси V-VI асрдаёқ шаклланган эди¹⁰², деган фикрга келишга имкон беради. Тангалардаги ёзувлар ҳам палеографик жиҳатдан суғдий қўлёзмалардаги ёзувга ўхшаш суғдий ёзувнинг унификациясига интилиш тенденциясидан четда эмас. Юқорида Турк хоқонлиги даврига оид тангалардаги харфларнинг график хусусиятлари, уларнинг бошқа

¹⁰² Кляшторный, Лившиц, 1971: 121 – 146.

ёдгорликлар жумладан, Шатиал қоятош ёзувларидаги суғдий ҳарфларга ўхшашлиги буни тасдиқлайди.

